# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**47-сон (807)**
**2017 йил 27 ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*

1152. ««Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ–3402-сон қарори

*Учинчи бўлим*

1153. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотларини кадрлар билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 920-сон қарори

1154. «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида хатларини жўнатиш харажатларини молиялаштиришни тартибга солиш чора-тадбирлари

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 923-сон қарори

1155. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 925-сон қарори

1156. «Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарори

1157. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПФ–5174-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3249-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 933-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

1158. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 12-мҳ-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949)*

1160. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 3 ноябрдаги 99-Н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-71) муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-3)*

1164. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/1-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-5)*

1165. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 15 ноябрдаги 121-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2118-3*)

1168. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги 10, 08/УМ-310-17, 34-ҚК, 124, 14-2017-сон «Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиёти, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548-1*)

1169. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 19 октябрдаги 114-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-1*)

1170. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2017 йил 3 ноябрдаги 22-2017, 22/ҚҚ-сон «Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2470-1*)

1171. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 26-сон «Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2950*)

1172. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги сокқ-374, 123-сон «Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори

*(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2951)*

1173. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сон «Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2536-1)*

1177. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-1)*

1178. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 161, 2017-63-сон «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2328-2)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 18 ноябрдан 24 ноябргача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 1152 «Мард ўғлон» давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ–5106-сонли Фармонига мувофиқ «Мард ўғлон» давлат мукофоти таъсис этилганлиги муносабати билан мамлакатимизда буюк аждодларимизга муносиб бўлган, марддлик ва жасорат, қатъиятлилик, ҳалоллик, ватанпарварлик каби фазилатларга эга мард ўғлонларимизни тарбиялаш ҳамда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида юқори натижаларга эришиб келаётган билимли, ташаббускор, ишбилармон, шижоатли ва фидойи йигитларни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг «Мард ўғлон» давлат мукофотини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2 нафардан вакилларига ҳар йили «Ёшлар куни» арафасида топшириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Мард ўғлон» давлат мукофоти ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган иқтидорли йигитларга фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун берилади;

«Мард ўғлон» давлат мукофотига талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан кўриб чиқилади. Унинг натижаларига кўра Комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритилади;

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади;

«Мард ўғлон» давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида белгиланади;

«Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига, олий ўқув юртлари талабалари ёки

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

бакалавр даражасига эга ёшлар эса магистратура босқичига тегишли йўналиш бўйича кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

3. «Мард ўғлон» давлат мукофоти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Мард ўғлон» давлат мукофоти кўкрак нишонининг тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофотини бериш, унинг кўкрак нишонлари ва дипломларини тайёрлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан тегишли маблағларни ажратсин.

6. Комиссия бир ой муддатда «Мард ўғлон» давлат мукофотига талабгорларни танлаш ва уларнинг ҳужжатларини тақдим этиш тартиби тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 21 ноябрь,
ПҚ–3402-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги
ПҚ–3402-сонли қарорига
1-ИЛОВА

## «Мард ўғлон» давлат мукофоти тўғрисидаги
## НИЗОМ

1. «Мард ўғлон» давлат мукофоти (кейинги ўринларда — Давлат мукофоти) ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги ва истеъдоди билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган иқтидорли йигитларга фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳаларида ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун берилади.

2. Давлат мукофоти ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2 нафардан вакилларига — жами 28 та берилади.

Давлат мукофоти билан тақдирлаш ҳар йили «Ёшлар куни» арафасида амалга оширилади.

3. Давлат мукофотига талабгорлар бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияга (кейинги ўринларда — Комиссия) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг таклифларига кўра Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари раислари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномалари асосида киритилади.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари таркибидан ҳамда ҳарбийлаштирилган ўқув юртларида таҳсил олаётган йигитлар орасидан тавсия этилаётган талабгорлар бўйича таклифлар Комиссияга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг тақдимномалари асосида киритилади.

4. Талабгорларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, тақдим этиш ва уларни танлаш Комиссия томонидан тасдиқланадиган йўриқнома асосида амалга оширилади.

5. Давлат мукофотига сазовор бўлганларга кўкрак нишонлари ва белгиланган намунадаги дипломлар тантанали вазиятда топширилади.

6. Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида белгиланади.

Давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига, олий ўқув юртлари талабалари ёки бакалавр даражасига эга ёшлар эса магистратура босқичига тегишли йўналиш бўйича кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

Давлат мукофоти соҳиблари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа имтиёзлардан фойдаланади.

7. Давлат мукофотининг кўкрак нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

8. Давлат мукофоти такроран берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги
ПҚ–3402-сонли қарорига
2-ИЛОВА

## «Мард ўғлон» давлат мукофоти кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

«Мард ўғлон» давлат мукофотининг кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва саккиз қиррали бўртма юлдуз шаклида бўлади. Юлдузнинг ҳар бир қирраси олтита бўртма нурлардан ташкил топган бўлиб, нурларнинг қарама-қарши учлари оралиғи — 38 миллиметр.

Кўкрак нишонининг ўрта қисми диаметри 25 миллиметр бўлган доира шаклидаги бўртма гардиш билан ўралган. Доиранинг марказида, кўтарилаётган қуёш нурлари фонида ватанпарварлик ва жасорат тимсоли сифатида тулпор устидаги мард ўғлон тасвири ҳамда юртимизнинг гўзал ва бетакрор табиатини ифодаловчи улуғвор тоғлар, икки дарё ва кўркам водийлар акс эттирилган. Суворий тасвирининг юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ҳилпираб турган, рангли эмалдан ишланган тасвири мавжуд.

Кўкрак нишонининг пастки қисмида айлана бўйлаб иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида «MARD O‘G‘LON» ёзуви жойлашган. Ҳарфларнинг баландлиги 1,8 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Кўкрак нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган. Қадағичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметрдан иборат.

Қадағич эни 22 миллиметрли кўк рангли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг четларидан 1 миллиметр масофада эни 2 миллиметр бўлган иккита оқ рангли вертикал йўл ўтган. Оқ рангли йўллар ўртасидаги оралиқ 1 миллиметрни ташкил этади.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

**«Мард ўғлон» давлат мукофотининг**
**КЎКРАК НИШОНИ**

Олд томони




Орқа томони



# УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 1153 Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотларини кадрлар билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотлари тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш, шунингдек, ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотлари ходимлари бўш ўринлар ва тегишли малака мавжуд бўлган тақдирда амалда ишланган вақт учун меҳнатга ҳақ тўланган ҳолда ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида шартномалар тузишлари мумкин. Бунда ўриндошлик бўйича иш вақтининг давом этиши соғлиқни сақлаш давлат тизими ташкилотлари врач ходимлари учун — иш вақтининг бир ойлик нормасидан ва ходимларнинг бошқа тоифалари учун — ойлик норманинг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012, 10-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг моҳияти ва мазмунини тушунтириш бўйича тадбирлар ўтказсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Хўжаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
920-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 20 ноябрдаги 920-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг учинчи хатбошига «шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш» сўзларидан кейин «(соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари ходимлари бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин.

2. 7-банднинг биринчи хатбошига «ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас» сўзларидан кейин «(соғлиқни сақлаш тизими врач ходимлари бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин.

3. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Ходим томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ўзининг асосий иши билан бир қаторда айни шу ташкилотда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида бошқа касб ва лавозимдаги қўшимча ишни бажариш бир неча касбда ва лавозимда ишлаш ҳисобланади.

Ходим томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ўзининг асосий иши билан бир қаторда айни шу ташкилотда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида ўша касб ва лавозимдаги қўшимча ишларни бажариш хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш, ишлар ҳажмини кўпайтириш ҳисобланади.

Бир неча касбда ва лавозимда ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга шундай касб ва лавозим бўйича бўш иш ўрни мавжуд бўлганда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходим томонидан вақтинчалик йўқ бўлган ходимнинг вазифаларини бажаришда йўл қўйилади».

4. 21, 23, 24-бандлардаги ва 26-банднинг биринчи хатбошидаги «ўриндошлик» сўзи «бир неча касб ва лавозим» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 25-бандда:

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бюджет ташкилотларида бир неча касб ва лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтирганлик, ишлар ҳажмини кўпайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш миқдори бир неча касб ва лавозимда ишланаётган лавозим бўйича маошнинг (тариф ставкасининг) 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ҳолатлар бундан мустасно) ва бюджет ташкилотларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади»;

б) иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бюджет ташкилотларида бир неча касбда ва лавозимда ишлаётганлик

учун қўшимча ҳақ шундай касб ва лавозимдаги иш асосий иш бўйича меҳнат мажбуриятларига киритилган ҳолларда белгиланмайди.

Касб (лавозим) бўйича бир неча касб ва лавозим асосида бажариладиган ишларни бир неча ходим ўртасида тақсимлашга йўл қўйилади».

6. Илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқа педагог ходимлари (раҳбарларидан ташқари) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда меҳнат ҳақи тўлаш бўйича уларга тенглаштирилган бошқа таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва мастерлари, таълим муассасаларидаги концертмейстерлар ва аккомпаниаторлар, мактабгача таълим муассасалари ва «Меҳрибонлик» уйлари педагог ходимларининг (раҳбарларидан ташқари) айнан шу муассасада белгиланган меҳнат нормасидан ортиқ бўлган, лекин ушбу иш тури бўйича иш вақти нормал давомийлигининг 50 фоизидан кўп бўлмаган иши».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 1154 Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида хатларини жўнатиш харажатларини молиялаштиришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг хатларини ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида жўнатиш харажатларини молиялаштиришни тартибга солиш, шунингдек, почта алоқаси соҳасининг ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида ҳарбий қисмлар томонидан жўнатиладиган хатларини бепул юбориш ҳуқуқига эга эканликлари маълумот учун қабул қилинсин.

---

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

2. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларни ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида махсус маркаланган почта конвертлари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш давридаги оддий хатлари ҳарбий қисмлар томонидан почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан ўрнатилган тартибда муомалага киритилган белгиланган намунадаги махсус маркаланган почта конвертларида жўнатилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йил 1 январдан бошлаб, ҳар йили келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳарбий қисмларининг муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида жўнатиладиган оддий хатларини махсус маркаланган почта конвертларида жўнатиш харажатларини қоплашни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х.Шерматов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
923-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 20 ноябрдаги 923-сон қарорига
ИЛОВА

## Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларни ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида махсус маркаланган почта конвертлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни ва резервчиларни ҳарбий йиғинларда қатнашиш чақирилган даврида махсус маркаланган почта конвертлари билан таъминлаш, шунингдек уларни сотиб олиш харажатларини молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**махсус маркаланган почта конверти** (кейинги ўринларда махсус конверт деб аталади) — босмахона усулида махсус фарқловчи белги ва почта тўловининг давлат белгиси тасвири туширилган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва резервчиларнинг ҳарбий йиғинларда қатнашиш даврида ҳарбий қисмлар томонидан жўнатиладиган оддий хатларини юбориш учун мўлжалланган стандарт почта конверти;

**ҳарбий қисмлар** — ҳарбий хизматчилар муддатли ҳарбий хизматни ўтайдиган, резервчилар ҳарбий йиғинларда қатнашадиган ҳарбий бошқарув идоралари, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, ташкилотлар, вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий тузилмалари.

3. Ушбу Низом муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, резервчиларнинг (кейинги ўринларда ҳарбий хизматчилар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий қисмларида ҳарбий йиғинларда қатнашаётган даврида амал қилади.

4. Ҳарбий хизматчиларнинг хатлари ҳарбий қисмлар томонидан белгиланган намунадаги махсус конвертларда жўнатилади.

5. Махсус конвертлар O‘z DSt 1020:2002 «Почта конвертлари. Техник шартлар» давлат стандарти талабларига мувофиқ қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган матбаа ташкилоти томонидан тайёрланади.

6. Ҳарбий қисмларни махсус конвертлар билан таъминлаш «Ўзбекистон почтаси» АЖга ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмай тақдим этиладиган буюртманомаларга мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» АЖ томонидан, тўлов асосида амалга оширилади.

7. Махсус конвертлар ҳарбий қисмлар томонидан уларнинг харажатлар

сметаларида ушбу мақсадда фойдаланиш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобига сотиб олинади.

8. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар томонидан юбориладиган оддий хатлари «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг почта алоқаси объектлари томонидан жўнатилади ва етказиб берилади.

Махсус конвертларда «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг почта алоқаси объектларига ҳарбий қисмлар томонидан топшириладиган оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хатлар жўнатилади.

## 2-боб. Махсус конвертларни олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш

9. Ҳарбий қисм томонидан махсус конвертларни олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва бериш учун масъул шахс тайинланади.

10. Махсус конвертларни олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва беришни ташкил қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Ҳарбий хизматчиларга махсус конвертларни бериш муддатлари ва даврийлиги, шунингдек, бир нафар ҳарбий хизматчига (бир ой/йилда) бериладиган конвертлар сони ҳарбий қисмлар томонидан белгиланади.

12. Берилган махсус конвертлар махсус конвертларнинг мавжудлиги ва ишлатилганлиги тўғрисидаги ҳисоботга асосан ҳисобдан чиқарилади, уларнинг қолдиғи эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра чиқарилади.

13. Махсус конвертларнинг мавжудлиги ва ишлатилганлиги тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар ҳарбий қисмлар томонидан ҳар йили ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 январига қадар тузилади.

## 3-боб. Махсус конвертларни сотиб олиш харажатларини молиялаштириш тартиби

14. Навбатдаги молиявий йилга харажатлар сметасини тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳар йили 1 июлдан кечиктирмасдан ҳарбий қисмлардан олинган бюджет буюртманомалари асосида махсус конвертларни сотиб олиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда, йиғма бюджет буюртманомасини тузадилар.

15. Махсус конвертларни сотиб олиш учун бюджетдан ажратиладиган маблағларга эҳтиёжни аниқлаш режалаштирилаётган ҳарбий хизматчилар сонига, шунингдек, махсус конверт қийматига кўра амалга оширилади.

16. Махсус конвертларни сотиб олиш харажатлари ҳарбий қисмларнинг тегишли молиявий йил учун тасдиқланган харажатлар сметалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

### 4-боб. Якунловчи қоида

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**1155 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарорининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х. Шерматов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
925-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 20 ноябрдаги 925-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2002 й., 11-12-сон, 91-модда) 4-банди биринчи ва олтинчи хатбошилардаги «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази», «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш марказининг» ва «Марказнинг» сўзлари тегишли равишда «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-кувватлаш бўйича ягона интегратори», «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг» ва «Ягона интеграторнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 66-модда) билан тасдиқланган «Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисида» низомнинг иккинчи банди иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфоком» марказининг» ва «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш «Ўзинфоком» маркази» сўзлари тегишли равишда «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг» ва «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази «Ўзинфоком» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

12-банддаги «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази «Ўзинфоком» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловадаги «Ўзинфоком» маркази ҳузуридаги» сўзлари «Ягона интегратор» ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

7-банддаги «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига» сўзлари тегишли равишда «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Аппарат бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» ва «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари тегишли равишда «Аппарат бошқарувчиси» ва «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази» ва «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари тегишли равишда «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» ва «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

13 ва 14-бандлардаги «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

«Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» блоки «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати бошқарувчиси» блоки билан алмаштирилсин;

«Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» блоки «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» блоки билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 62-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-иловасида:

а) 24-позициядаги «Ажратмалар миқдори (фоизларда)» устунидаги «10» рақами «70» рақами билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги $24^1$-позиция қўшилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 24[1]. | Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги) | «Хавфсиз шаҳар» комплекси орқали аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун жарималар | 10 |

».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 87-модда) билан тасдиқланган Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 4-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«2018 йил 1 январдан бошлаб абонент рақамидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тушган маблағларнинг 70 фоизи»;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «давлат буюртмаси доирасида амалга ошириладиган» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб фаолиятини ходимларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан»;

йигирманчи хатбошидаги «5» рақами «2» рақами билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексини яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уни янада ривожлантириш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда зарурат бўлганда Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолияти».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида» низомни ва вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг штатдаги ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 25 январдаги 18-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 4-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши, 3-бан-

дининг тўртинчи хатбоши, 4-банднинг «а» кичик банди ҳамда қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида» 2016 йил 3 июндаги 188-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2016 й., 23-сон, 269-модда):

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш марказининг» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги ва 10-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-иловада:

номидаги «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш маркази» блоки «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг» блокига алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «ICTWEEK Uzbekistan» Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги 466-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 27-сон, 622-модда) иловасининг:

а) еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баёт этилсин:

«Мухитдинов А.Х. — Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторининг директори в.б.»;

б) тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Сангилов М.М. — Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази директори».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 625-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 33-сон, 858-модда) билан тасдиқланган 2017 — 2019 йилларда Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш бўйича комплекс дастур «Масъул ижрочилар» устунининг 1 ва 35-позицияларидаги «Uzinfocom» Маркази» сўзлари «Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратори» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1156 Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3153-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Олий таълим муассасасида кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 21 ноябрь,
930-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига
1-ИЛОВА

# Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3153-сон ҳамда «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги ПҚ–3183-сон қарорлари асосида олий таълим муассасасида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича сиртқи (махсус сиртқи) таълимни (кейинги ўринларда сиртқи (махсус сиртқи) таълим деб аталади) ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида сиртқи (махсус сиртқи) таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ ташкил этилади.

3. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим қуйидаги шаклларда олиб борилади: сиртқи шакл, махсус сиртқи шакл, иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шакли.

4. Ушбу Низом соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

## 2-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил қилиш

5. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш:

**сиртқи шаклда** — умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва тест синовларидан (кириш имтиҳонларидан) муваффақиятли ўтган;

**махсус сиртқи шаклда** — фақат тегишли ёки турдош таълим йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ва таълим йўналишига мувофиқ соҳа, касб, лавозимларда камида уч йиллик амалий иш стажига (педагогика йўналишлари учун педагогик стажга) эга бўлган, тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан берилган тавсияномага эга, тест синовларидан (кириш имтиҳонлари ёки касбий суҳбатдан) муваффақиятли ўтган;

**иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шаклда** — олий маълумотга эга бўлган (агар хорижий олий таълим муассасасини тугатган бўлса, олий маълумот тўғрисидаги ҳужжати белгиланган

тартибда тан олинган (нострификация қилинган) бўлиши керак) ва тест синовларидан (кириш имтиҳонларидан ёки касбий суҳбатдан) муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

7. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш муддати:

сиртқи шаклда — камида 5 йил;

махсус сиртқи шаклда — камида 3 йил;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим негизидаги сиртқи шаклда — камида 3 йил. Бунда, ўқиш ўқув режаларидаги фанлар фарқидан қатъи назар, бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан бошланади.

8. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларига талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

9. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини ўқув адабиётлар ва материаллар билан олий таълим муассасаси таъминлайди ва билим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабалари олий таълим муассасасининг барча ўқув жиҳозлари, аудиторияси, лабораторияси, кутубхонаси, ахборот-ресурс марказлари ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалари хизматидан бепул фойдаланади.

10. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш бўйича олий таълим йўналишларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати 1:20 этиб белгиланади.

Таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари қонун ҳужжатлари асосида белгиланади.

11. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

12. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (махсус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришга йўл қўйилмайди.

## 3-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини ташкил қилиш

13. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёни таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим йўналишлари малака талаблари асосида тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги томонидан кундузги таълим учун тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ташкил этилади.

14. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаси ва фан дастурлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

15. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёни жадвали белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режасида қайд этилади.

16. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаси учун ўқишга қабул қилинган ўқув йили бошида (одатда, сентябрь-октябрь ойларида) бевосита олий таълим муассасасида 10 кунлик ўқув жараёни билан дастлабки таништирув ҳамда семестр давомида ўқитиладиган фанлар бўйича қисқача (ишчи ўқув режасида белгиланган ҳажмда) маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ўтказилади. Талабаларга мавзулар бўйича топшириқлар ва уларни бажариш юзасидан методик кўрсатмалар берилади.

17. Ўқув сессиясигача бўлган муддатда сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш мустақил, жумладан, масофадан туриб таълим олиш шаклида амалга оширилади.

Бунда талаба методик кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ишчи ўқув режада семестр учун режалаштирилган фанларнинг дастурларида белгиланган мавзуларни мустақил ўзлаштиради.

18. Талаба фан бўйича топшириқларни бажаргандан сўнг, уни фан ўқитувчисига белгиланган муддатларда (одатда, масофадан туриб Интернет орқали) юборади ҳамда қайддан ўтказади. Фан ўқитувчиси талаба юборган материалларни текшириб, оралиқ иши сифатида баҳолайди. Фан ўқитувчиси мавзулар бўйича навбатдаги топшириқлар ва кўрсатмаларни юбориши, шунингдек, он-лайн режимида ўқув машғулотларини ўтказиши мумкин.

19. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаси ҳар бир семестр давомида бир марта олий таълим муассасасига ўқув сессиясига чақирилади. Бунинг учун унга ўқув сессияси бошланишига қадар (камида 10 кун олдин) белгиланган шаклда хабарнома юборилади.

20. Ўқув сессияси давомида:

талаба семестр учун берилган топшириқларни ҳимоя қилади. Фан бўйича барча топшириқлар ижобий баҳоланган тақдирда талабага фан бўйича якуний баҳолашга кириш ҳуқуқи берилади;

фанлар бўйича якуний баҳолашлар ўтказилади;

навбатдаги семестр давомида ўқитиладиган фанлар қисқача (ишчи ўқув режасида белгиланган ҳажмда) маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари орқали таништирилади. Ушбу машғулотлар талабага навбатдаги семестр давомида фанларни ўзлаштириши ва топшириқларни бажариши учун асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш усуллари ва технологияларини ўргатишга қаратилади. Мавзулар бўйича топшириқлар билан уларни бажариш юзасидан методик кўрсатмалар берилади.

21. Ўқув сессияси давомида ўтказиладиган маъруза, амалий, лаборато-

рия ва семинар машғулотларида илғор усул ва технологиялардан (жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ҳал этиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва бошқалардан) фойдаланилади.

22. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда талаба тасдиқланган ишчи ўқув режасидаги барча ўқув фанларини ўзлаштириши шарт. Талабалар билимини баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда оралиқ ва якуний баҳолаш турлари жорий қилинади.

Оралиқ баҳолашнинг мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари ҳамда сони (бир ўқув семестри давомида икки мартагача) ҳар бир фан бўйича сиртқи (махсус сиртқи) таълим учун тайёрланган ишчи фан дастурларида белгилаб берилади ва қуйидаги мустақил иш турларидан иборат бўлади:

курс (лойиҳаси) иши;

назорат саволлари ва топшириқлари;

тест-синов саволлари;

кейслар, машқлар, мисол ва масалалар;

тажриба натижалари;

ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган махсус методик ишланмалар ва тавсиялар;

ҳисоб-жадвал ишлари ва бошқалар.

Оралиқ баҳолаш масофавий алоқа орқали он-лайн режимида ўтказилиши ҳам мумкин.

24. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларининг малакавий амалиётлари ишчи ўқув режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Одатда, битирув малакавий иши олди амалиётидан бошқа амалиётлар (таълим йўналишига мос бўлган ҳолда) талабанинг ишлаб турган иш жойида мустақил равишда ўтказилади.

Битирув малакавий иши олди амалиёти талабанинг иш жойи таълим йўналишига мос бўлмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган объектда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Малакавий амалиётларнинг ҳисоботлари ўқув сессияси даврида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

25. Муайян курсдаги фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан кейинги курсга ўтказилади.

26. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол ва бошқалар) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади ва ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.

Шахсий жадвални белгиланган муддатда бажара олмаган талаба қайта ўқиш учун курсда қолдирилади. Талаба биринчи курснинг биринчи семестридаги академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган

тақдирда, талабалар сафидан четлаштирилади, касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар бундан мустасно.

27. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ҳамда унда олий таълим муассасасидаги фаолиятининг тўлиқ мониторинги юритилиб, қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

оралиқ ишларининг бажарилиши;

оралиқ ва якуний баҳолашлар натижалари;

давлат аттестацияси баҳолари;

битирув малакавий иши бўйича баҳо;

курсдан курсга ўтганлиги.

## 4-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланиш

28. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

29. Масофадан туриб ўқитиш он-лайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиш) ва офф-лайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

30. Масофадан туриб ўқитиш жадвали сиртқи (махсус сиртқи) бўлим бошлиғи томонидан белгиланади.

31. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланганда ўқув курсларининг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Масофадан туриб ўқитишнинг техник таъминоти олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

32. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларини жорий этиш дастурий платформаси, регламенти ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

33. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда таълим фаолиятини амалга оширувчи кафедралар профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишда ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консультатив ишларни олий таълим муассасаси сайтидаги «Сиртқи (махсус сиртқи) таълим» саҳифасига жойлаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланган ҳолда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар учун ўқув юкламаси белгиланган тартибда белгиланади.

34. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, сиртқи (махсус сиртқи) бўлим бошлиғи ва тегишли кафедра мудири масофадан туриб ўқитишни таъминлайди.

Масофадан туриб ўқитишда ўқув-методик жараённи такомиллаштириш ва илмий-методик масалалар олий таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб борилади.

## 5-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда давлат аттестациясини ташкил этиш

35. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда давлат аттестацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Давлат аттестациялари ўқув режасида кўрсатилган фан (фанлар мажмуаси) бўйича ўтказилади.

36. Ўқув режасида битирув малакавий ишини бажариш назарда тутилган тақдирда, битирув малакавий иши олий таълим муассасаси бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва сиртқи (махсус сиртқи) таълимда битирув малакавий иши мавзуси ва мазмуни асосан талабаларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

37. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда таълим йўналиши ишчи ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига Давлат аттестация комиссиясининг қарори асосида «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги бакалавр дипломи иловаси билан берилади.

## 6-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларининг олий таълим муассасасида ўқув сессиясида иштирокини таъминлаш

38. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларига ўқув сессиясида иштирок этиш учун ишлаб турган жойидан камида 30 календарь кунлик ўртача ойлик маоши сақланган қўшимча таътил берилади. Курсда қолдирилган талабаларга эса ҳақ тўланмайдиган таклиф хабарномаси берилади.

39. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим битирувчисига якуний давлат аттестацияларидан ўтиш, битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш учун таълим йўналиши ўқув режаси ва жадвалида белгиланган муддатларда ишлаб турган жойидан камида 30 календарь кунлик ўртача маоши сақланган қўшимча таътил берилади.

40. Битирув малакавий ишини якунлаш даврида битирувчи хизмат қилаётган муассаса унга 30 календарь кунлик маоши сақланмаган қўшимча таътил бериши мумкин. Талаба иш жойидан ташкилот раҳбари ва бухгалтери имзоси билан шу давр учун ҳақ тўланмайдиган таътилда эканлиги тўғрисидаги маълумотномани Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимга тақдим этади.

41. Битирув малакавий ишининг якунланганлиги тўғрисида унинг ҳимояси белгиланган кундан бир ҳафта муддат аввал сиртқи (махсус сиртқи) бўлим бошлиғи ва мутахассис тайёрловчи кафедра мудири номига билдирги ёзилади ва тегишли ҳужжатда қайд қилинади. Билдирги талаба ёки унинг илмий раҳбари томонидан берилиши мумкин.

## 7-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини бошқариш

42. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим мавжуд бўлган олий таълим муассасаларида бўлим бошлиғи ва ўқув-методик ишлар бўйича методист лавозимларидан иборат бўлган Сиртқи (махсус сиртқи) бўлим ташкил этилади. Бунда бўлим штат жадвали деканатлар учун белгиланган нормативларга мувофиқ шакллантирилади.

43. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимни олий таълим муассасаси факультетининг декани мақомига тенглаштирилган бошлиқ бошқаради.

Бўлим бошлиғи:

сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил қилиш бўйича иш берувчилар билан шартномалар тузади;

ўқитишнинг янги технологиялари татбиқ қилинишини ва талабалар ўзлаштириши назорат қилинишини таъминлайди;

талабаларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларини мувофиқлаштиради ва тасдиқлайди;

талабалар билан ўқув ва тарбиявий ишлар олиб бориш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни, бўлим ходимларининг ички тартиб ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилишини ташкил этади;

ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-методик, илмий ишларини режалаштиради, ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисларида, ректоратда, факультет ва кафедраларда сиртқи (махсус сиртқи) таълим манфаатларини ўз ваколати доирасида ҳимоя қилади ва амалга оширади;

талабаларнинг курс иши ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларни тақсимлайди;

сиртқи (махсус сиртқи) бўлимнинг олий таълим муассасасининг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

44. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлим маъмурий бошқарув жиҳатдан олий таълим муассасаси ректорига ҳамда ўқув ва илмий-методик ишлар юзасидан олий таълим муассасасининг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорларига бўйсунади.

45. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимни сақлаш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан амалга оширилади.

46. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлим фаолияти ҳар бир ўқув семестри охирида тегишли факультетлар ўқув-методик кенгашида ва ўқув йили якунида олий таълим муассасаси кенгашида муҳокама этилади.

## 8-боб. Якунловчи қоида

47. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига
2-ИЛОВА

# Олий таълим муассасасида кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3153-сон қарори асосида олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида кечки (сменали) таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ ташкил этилади.

3. Ушбу Низом соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

## 2-боб. Кечки (сменали) таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил қилиш

4. Кечки (сменали) таълимга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

5. Кечки (сменали) таълимда ўқиш муддати — камида 4,5 йил.

6. Кечки (сменали) таълимга кирган шахсларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

7. Кечки (сменали) таълим талабаларини ўқув-методик адабиётлар, ўқув-методик ҳужжатлар, тарқатма материаллар билан олий таълим муассасаси таъминлайди ва билим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

8. Кечки (сменали) таълим талабалари олий таълим муассасасининг барча ўқув жиҳозлари, аудиторияси, лабораторияси, кутубхонаси, ахбо-

рот-ресурс марказлари ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалари хизматидан бепул фойдаланади.

9. Кечки (сменали) таълимда ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати кундузги таълим билан бир хил нисбатда белгиланади.

10. Кечки (сменали) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

11. Кечки (сменали) таълимдан сиртқи (махсус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришга йўл қўйилмайди.

## 3-боб. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёнини ташкил қилиш

12. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим йўналишлари малака талаблари асосида тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кундузги таълим учун тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ташкил этилади.

13. Кечки (сменали) таълим таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаси ва фан дастурлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

14. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни жадвали белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режаси таркибида қайд этилади.

15. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни бир ўқув йилида икки семестрли бўлиб, ўқув машғулотларини ўтказиш кундузги таълим билан бир хил тартибда ташкил этилади.

16. Кечки (сменали) таълим талабаси тасдиқланган ишчи ўқув режасидаги барча ўқув фанларини ўзлаштириши шарт.

17. Кечки (сменали) таълимда ўқиш одатда кундузги смена меҳнат фаолиятидан кейинги вақтда аудитория машғулотлари (маъруза, амалий, лаборатория) шаклида ҳамда талабаларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда мустақил, жумладан, масофадан туриб ўқитиш шаклида амалга оширилади.

18. Ўқув машғулотлари олий таълим муассасаси ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг вақт ва имкониятларини инобатга олган ҳолда талабаларнинг меҳнат фаолияти сменасига мувофиқлаштирилиб куннинг биринчи ярмида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бунда мазкур талабалар сони академик гуруҳ шакллантириш даражасида бўлиши лозим.

19. Кечки (сменали) таълимда ўқиш (кундузги таълимдан фарқли ра-

вишда) бир ҳафтада, одатда, беш кун амалга оширилади ва ҳафталик ўқув соати ҳажми 20 академик соат қилиб белгиланади.

20. Кечки (сменали) таълимда маъруза ўқиш, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказишда илғор усул ва технологиялардан (жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва бошқалардан) фойдаланилади.

21. Кечки (сменали) таълимда талабалар билимини баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

22. Кечки (сменали) таълимда оралиқ ва якуний баҳолаш турлари жорий қилинади. Ўқув фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб жорий баҳолаш тури жорий қилиниши мумкин.

Оралиқ иш мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари ҳар бир фан бўйича тайёрланган ишчи фан дастурларида белгилаб берилади ва қуйидаги мустақил иш турларидан иборат бўлади:

курс (лойиҳаси) иши;

назорат саволлари ва топшириқлари;

тест-синов саволлари;

кейслар, машқлар, мисол ва масалалар;

тажриба натижалари;

ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга йўналтирилган махсус методик ишланмалар ва тавсиялар;

ҳисоб-жадвал ишлари ва бошқалар.

23. Кечки (сменали) таълим талабаларининг малакавий амалиётлари ўқув режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Одатда, битирув малакавий иши олди амалиётидан бошқа амалиётлар (таълим йўналишига мос бўлган ҳолда) талабанинг ишлаб турган иш жойида мустақил равишда ўтказилади.

Битирув малакавий иши олди амалиёти талабанинг иш жойи таълим йўналишига мос бўлмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган объектда белгиланган тартибда ўтказилади.

24. Муайян курсдаги фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан кейинги курсга ўтказилади.

25. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол ва бошқалар) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади, ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.

Шахсий жадвални белгиланган муддатда бажара олмаган талаба қайта ўқиш учун курсда қолдирилади. Талаба биринчи курснинг биринчи семестридаги академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган тақдирда, талабалар сафидан четлаштирилади, касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар бундан мустасно.

26. Кечки (сменали) таълимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очи-

лади ҳамда унда олий таълим муассасасидаги фаолиятнинг тўлиқ мониторинги юритилиб, қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

оралиқ ишларининг бажарилиши;

оралиқ ва якуний баҳолашлар натижалари;

давлат аттестацияси баҳолари;

битирув малакавий иши бўйича баҳо;

курсдан курсга ўтганлиги.

## 4-боб. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланиш

27. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

28. Масофадан туриб ўқитиш он-лайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиш) ва офф-лайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

29. Масофадан туриб ўқитиш жадвали ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи томонидан белгиланади.

30. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланганда ўқув курсларининг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Масофадан туриб ўқитишнинг техник таъминоти олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

31. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларини жорий этиш дастурий платформаси, регламенти ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

32. Кечки (сменали) таълимда таълим фаолиятини амалга оширувчи кафедралар профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишда ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консультатив ишларини олий таълим муассасаси сайтидаги «Кечки (сменали) таълим» саҳифасига жойлаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланган ҳолда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар учун ўқув юкламаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи ва тегишли кафедра мудири кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш амалга оширилишини таъминлайди.

Масофадан туриб ўқитишда ўқув-методик жараённи такомиллаштириш ва илмий-методик масалалар олий таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб борилади.

## 5-боб. Кечки (сменали) таълимда давлат аттестациясини ташкил этиш

34. Кечки (сменали) таълимда давлат аттестацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

35. Давлат аттестациялари ўқув режасида кўрсатилган (фан) (фанлар мажмуаси) бўйича ўтказилади.

36. Битирув малакавий иши олий таълим муассасаси бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва кечки (сменали) таълимда битирув малакавий иши мавзуси ва мазмуни асосан талабаларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

37. Кечки (сменали) таълимда таълим йўналиши ишчи ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига Давлат аттестация комиссиясининг қарори асосида «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги бакалавр диплом иловаси билан берилади.

## 6-боб. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёнини бошқариш

38. Кечки (сменали) таълим ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи томонидан тегишли таълим йўналишлари деканлари билан биргаликда бошқарилади.

39. Кечки (сменали) таълим ташкил этилган олий таълим муассасаларида ўқув-методик бўлим (бошқарма) таркибида кечки (сменали) таълим учун ўқув-методик ишлар бўйича қўшимча методист лавозимлари жорий этилади.

40. Ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи:

кечки (сменали) таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

иш берувчилар, давлат ва жамоат органлари, таълим тизимини бошқарувчи органлар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар билан ўзаро алоқаларни амалга оширади, талабаларнинг малакавий амалиётлари бўйича шартномаларини расмийлаштиради;

ўқитишнинг янги технологиялари татбиқ қилинишини ва талабалар ўзлаштириши назорат қилинишини таъминлайди;

талабалар билан ўқув ва тарбиявий ишлар олиб бориш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни, бўлим ходимларининг ички тартиб ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилишини ташкил этади;

ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-методик, илмий ишларини режалаштиради, ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисларида, ректоратда, факультет ва кафедраларда кечки (сменали) таълим манфаатларини ўз ваколати доирасида ҳимоя қилади ва амалга оширади;

кечки (сменали) таълим масалалари бўйича олий таълим муассасасининг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

41. Кечки (сменали) таълим маъмурий бошқарув жиҳатдан олий таълим муассасаси ректорига ҳамда ўқув ва илмий-методик ишлар юзасидан олий таълим муассасаси ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорларига бўйсунади.

42. Кечки (сменали) таълим билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан амалга оширилади.

### 7-боб. Якунловчи қоида

43. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1157 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПФ—5174-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ—3249-сон қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПФ—5174-сон Фармонини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ—3249-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек ўсимликлар карантини давлат хизмати тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 22 ноябрь,
933-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 ноябрдаги 933-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда):

а) 2-илованинг 16-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-иловада:

6-банднинг еттинчи хатбошидаги «ветеринария, ўсимликлар карантини» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-бандда:

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — йигирма еттинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

20-банднинг тўртинчи хатбошидаги «наслчилик ишлари, ветеринария, ўсимликлар карантини соҳасида» сўзлари «наслчилик ишлари соҳасида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6а-илова 5-бандининг ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 29-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 29. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси | Қуйидагилардан: | 25 |
| | | бошқа давлатлардан келаётган уруғлик, кўчат материал ва карантин назорати остидаги бошқа ўсимлик маҳсулотларини, шунингдек республика ҳудуди орқали транзит ўтаётган карантин остидаги юкларни импорт қилишга карантин рухсатномаси берилганлигидан | |
| | | карантин остидаги маҳсулотларни республикадан экспорт қилишда ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш давлат органлари томонидан фитосанитария сертификати ёки гувоҳнома берилганлигидан | |
| | | республика ичида карантин фитосанитария сертификати берилганлигидан | |
| | | импорт юкларни кредитлардан ҳоли қилишдан ва ҳужжатларни беришдан (самолёт, вагон, контейнер, автотранспорт ва бошқа транспорт воситалари) | |
| | | ўсимликлар карантини чегара пунктларида Ўзбекистон Республикаси орқали ўтадиган карантин остидаги транзит юкларни очмасдан транспорт бирликлари ҳужжатларини расмийлаштиришдан тушган даромадлар | |

».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 305-сон қарори (ҚҲТ, 2011 й., 45-46-сон, 478-модда) билан тасдиқланган «Бир дарча» тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисида Вақтинчалик низом 6-банди «в» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат бош инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати рус тилидаги матнининг 30, 31 ва 32-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 30. | Ветеринарный сертификат (свидетельство) | Экспорт и импорт грузов, поднадзорных государственной ветеринарной службе | Государственный комитет ветеринарии Республики Узбекистан |
| 31. | Карантинное разрешение | Импорт семян, растений и продукции растительного происхождения и транзит грузов, содержащих семена, растения и продукцию растительного происхождения, через территорию Республики Узбекистан | Государственная инспекция по карантину растений при Кабинете Министров Республики Узбекистан |
| 32. | Фитосанитарный сертификат | Экспорт семян, растений и продукции растительного происхождения | |

».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 ноябрдаги 933-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
## РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 декабрдаги 449-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 12-сон, 47-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 202-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 22-модда) 1-илованинг 11-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори)» 2013 йил 8 октябрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 72-модда) илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1158 Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида *

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949***

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Спорт паспорти тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Раис** **Р. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 24 октябрь,
12-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт давлат
қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги
12-мҳ-сон қарорига
ИЛОВА

### Спорт паспорти тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ спорт паспортларини юритиш, бериш, алмаштириш (янгисини бериш), уларни ҳисобга олиш ягона тизимининг амал қилиш тартибини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Спорт паспорти ягона намунадаги ҳужжат бўлиб, спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублигини ва унинг спорт малакасини тасдиқлайди.

2. Спорт паспортида:

спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми;

жинси;

туғилган санаси;

спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублиги;

танланган спорт тури ёки спорт турлари ва спорт турининг тармоқлари;

спорт унвонлари ва спорт разрядлари берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш учун зарур нормалар ҳамда талаблар бажарилганлигини тасдиқловчи маълумотлар;

спортчи тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисидаги белги;

спорт мусобақаларида эришилган натижалар;

спортчининг спорт дисквалификацияси тўғрисидаги маълумотлар;

давлат мукофотлари ва бошқа шаклдаги рағбатлантиришлар тўғрисидаги маълумотлар;

тренернинг фамилияси, исми, отасининг исми;

танланган спорт тури ёки спорт турларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади.

3. Спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублиги спортчи ва жисмоний тарбия-спорт ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асосида ва (ёки) спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига аъзолиги асосида аниқланади.

4. Спорт паспортидан:

спортчининг бир жисмоний тарбия-спорт ташкилотидан бошқасига ўтишида;

спортчини спорт мусобақаларида иштирок этиш учун рўйхатга олишда;

спортчининг тиббий текширувдан ўтишида;

спортчи томонидан спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш учун зарур бўлган нормалар ҳамда талаблар бажарилишида;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда фойдаланилади.

## 2-боб. Спорт паспортини юритиш

5. Спорт паспорти мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ китобча шаклида расмийлаштирилади. Спорт турлари бўйича республика спорт терма жамоалари аъзолари ҳамда республика спорт терма жамоалари захиралари аъзолари бўлган спортчилар учун қўшимча равишда мазкур Низомнинг

2-иловасига мувофиқ пластик карта шаклидаги спорт паспорти расмийлаштирилади.

6. Пластик карта шаклидаги спорт паспортининг амал қилиш муддати 3 йил, китобча шаклидаги спорт паспортининг амал қилиш муддати эса, чекланмаган ҳисобланади.

7. Спорт паспортини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Сертификациялаш ва компьютерлаштириш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

8. Спорт паспорти расмийлаштирилганда Марказ томонидан спортчи ҳақидаги бошланғич маълумотлар «Спорт паспорти» Ўзбекистон Республикаси спортчиларини ҳисобга олишнинг ягона ахборот-маълумот тизимига (бундан буён матнда ягона ахборот-маълумот тизими деб юритилади) киритилади.

9. Спорт паспортида тегишли маълумотлар спортчи мансуб бўлган тегишли жисмоний тарбия-спорт ташкилоти томонидан киритиб (янгилаб) борилади.

Жисмоний тарбия-спорт ташкилоти спортчининг спорт паспортидаги янгиланган маълумотларни (шу жумладан спортчининг жисмоний тарбия-спорт ташкилотига мансублиги йўқолганлиги ҳақидаги маълумотни) ягона ахборот-маълумот тизимига киритилиши учун 1 ой ичида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига (бундан буён ҳудудий бошқармалар) тақдим қилиши лозим.

10. Ягона ахборот-маълумот тизимига киритилиши учун тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун масъулият жисмоний тарбия-спорт ташкилоти зиммасига юклатилади.

## 3-боб. Спорт паспортини бериш

11. Спорт паспорти ўсмирлар учун иккинчи спорт разрядидан паст бўлмаган разрядга эга бўлган, тегишли спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиб келаётган ва спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этувчи спортчига берилади.

12. Спорт паспортини олиш учун спортчи (унинг қонуний вакили) ёки спортчи мансуб бўлган жисмоний тарбия-спорт ташкилоти (ташкилот вакили) (бундан буён матнда мурожаат этувчи деб юритилади) тегишлича ҳудудий бошқармага спорт паспортини бериш тўғрисидаги ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади) билан бевосита ёки почта орқали ёхуд электрон алоқа воситалари орқали электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризага спортчининг маълумотнома-анкетаси, паспорти (туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (агар паспорт олмаган бўлса) нусхаси ҳамда 3 х 4 ўлчамдаги оқ фондаги 2 та рангли фотосурати илова қилинади. Бунда спортчи (унинг қонуний вакили) томонидан бериладиган аризага спортчи ҳамда унинг тренери томонидан имзоланган мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ

шаклда расмийлаштирилган маълумотнома-анкета, жисмоний тарбия-спорт ташкилоти томонидан бериладиган аризага эса, ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган (агар муҳр мавжуд бўлса) мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилган маълумотнома-анкета илова қилинади.

Китобча шаклидаги спорт паспортига эга бўлган спортчи республика спорт терма жамоаси ёки республика спорт терма жамоаси захирасига аъзо сифатида қабул қилиниши муносабати билан пластик шаклдаги спорт паспортини олиш учун мурожаат қилганда аризага қўшимча равишда спортчининг республика спорт терма жамоаси ёки республика спорт терма жамоаси захираси аъзолигига қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳам илова қилинади.

Электрон алоқа воситалари орқали тақдим қилинган электрон шаклдаги ариза мурожаат этувчининг электрон рақамли имзоси билан имзоланиши шарт.

13. Аризага илова қилинган ҳужжатлар ва улардаги маълумотларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ҳудудий бошқарманинг масъул ходими томонидан текширилади. Мурожаат этувчи бевосита мурожаат қилганда унга ариза қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат берилади.

14. Аризага илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ва (ёки) улардаги маълумотлар тўғри расмийлаштирилмаган тақдирда, ариза мурожаат этувчига камчиликлар бўйича тушунтириш берилган ҳолда қайтарилади (почта ёки электрон алоқа воситалари орқали камчиликлар кўрсатилган хат юборилади).

15. Келиб тушган аризалар ҳудудий бошқармаларда мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган журналда (бундан буён матнда журнал деб юритилади) қайд қилинади.

Журналнинг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланган ва ип ўтказиб тикилган бўлиши керак. Журналнинг охирги бетида унинг нечта бетдан иборат эканлиги кўрсатилиши ва ушбу маълумот ҳудудий бошқарма раҳбарининг имзоси ҳамда ҳудудий бошқарманинг муҳри билан тасдиқланиши лозим.

16. Ҳудудий бошқармалар спорт паспортини бериш тўғрисидаги ариза келиб тушган кундан бошлаб 1 кун ичида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни Марказга юборилишини таъминлайди.

17. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Марказга келиб тушгандан кундан бошлаб 10 кун ичида Марказ томонидан:

спортчининг маълумотнома-анкетасида кўрсатилган маълумотлар текширилади;

спортчи ҳақидаги тегишли маълумотлар ягона ахборот-маълумот тизимига киритилади;

спортчининг спорт паспорти расмийлаштирилади;

расмийлаштирилган спорт паспорти ягона ахборот-маълумот тизимида қайд қилинади;

спорт паспортини мурожаат этувчига бериш учун тегишли ҳудудий бошқармага юборилишини таъминлайди.

18. Спортчининг маълумотнома-анкетасида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги (сохталиги) аниқланган тақдирда, Марказ томонидан спорт паспортини бериш рад этилиши мумкин. Бунда Марказ томонидан рад этиш сабаблари кўрсатилган хат тегишли ҳудудий бошқармага кейинчалик мурожаат этувчига маълум қилиш учун юборилади.

19. Ҳудудий бошқарма томонидан спорт паспорти (рад этиш сабаблари кўрсатилган хат) келиб тушган кундан бошлаб 1 кун ичида мурожаат этувчига алоқа воситалари орқали маълум қилинади.

20. Спорт паспорти мурожаат этувчига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий гувоҳнома) асосида журналга имзо қўйдириб олиш орқали топширилади.

21. Жисмоний тарбия-спорт ташкилоти вакили спорт паспортини олгандан сўнг уни спортчига топширади ва 10 кун ичида спорт паспорти топширилганлиги ҳақида ҳудудий бошқармани ёзма равишда хабардор қилади.

Ҳудудий бошқарма масъул ходими жисмоний тарбия-спорт ташкилоти томонидан спорт паспорти спортчига топширилганлиги ҳақидаги тегишли маълумотни журналга киритади.

22. Спортчи республика спорт терма жамоаси ҳамда республика спорт терма жамоаси захирасидан чиқарилганда (аъзолиги тугатилганда) пластик шаклдаги спорт паспортини бевосита ёки у мансуб бўлган жисмоний тарбия-спорт ташкилоти орқали ҳудудий бошқармага топширилишини таъминлайди.

Ҳудудий бошқарма топширилган пластик шаклдаги спорт паспортини унинг топширилганлиги ҳақида маълумотни ягона ахборот-маълумот тизимида қайд қилади ва уни Марказга юборилишини таъминлайди.

23. Спорт паспортини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилади.

## 4-боб. Спорт паспортини алмаштириш

24. Спорт паспорти қуйидаги ҳолларда алмаштирилади (янгиси берилади):

спортчининг фамилияси, исми ва (ёки) отасининг исми ўзгарганда;

спорт паспортининг амал қилиш муддати тугаганда (пластик шаклдаги паспортлар учун);

спорт паспорти йўқотилганда;

спорт паспортининг эскириши, яроқсиз ҳолга келиши (ундан фойдаланиш имкони бўлмаганда);

спорт паспортининг тегишли маълумотлар қайд қилинадиган варақлари (бетлари) тўлиб қолганда.

25. Спорт паспортини алмаштириш (янгисини бериш) спорт паспорти қандай тартибда берилса, шундай тартибда амалга оширилади.

26. Спорт паспортини алмаштириш (янгисини бериш) тўғрисидаги аризага спорт паспортини нима сабабдан алмаштирилаётганлиги (янгиси оли-

наётганлиги) кўрсатилади ва мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга спорт паспортининг ўзи ҳам (спорт паспорти йўқотилган ҳоллар бундан мустасно) илова қилинади. Бунда спортчининг фамилияси, исми ва (ёки) отасининг исми ўзгарганда ёхуд спорт паспорти йўқотилганда аризага тегишлича спортчининг фамилияси, исми ва (ёки) отасининг исми ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ёки спорт паспорти йўқотилганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида берилган эълоннинг (йўқотилган спорт паспортининг берилган йили, тартиб рақами кўрсатилган ҳолда) нусхаси ҳам илова қилинади.

## 5-боб. Ягона ахборот-маълумот тизимининг амал қилиши

27. Ягона ахборот-маълумот тизими марказлаштирилган ҳолда Марказ томонидан юритилади.

28. Марказ ягона ахборот-маълумот тизимини ишлашини таъминлаш мақсадида:

тизимнинг маълумотлар базасини шаклланишини назорат қилади;

автоматлаштирилган ҳолда маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва фойдаланувчиларга тизимдан маълумотларни тақдим қилинишини таъминлайди;

тизимдаги маълумотларнинг янгилаб борилишини таъминлайди;

тизимдаги маълумотларнинг ҳимояланишини таъминлайди;

тизимдаги маълумотларнинг ўзаро алмашинувини назорат қилади;

замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда тизимнинг техник ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлайди;

тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатга олишни ва уларнинг ягона ахборот тизимига уланишини таъминлайди.

29. Ҳудудий бошқармаларга ягона ахборот-маълумот тизимига ҳудуд бўйича тегишли маълумотларни киритиш ва улардан фойдаланиши учун Марказ томонидан тизимга кириш имконияти яратилади.

30. Ҳудудий бошқармаларда ягона ахборот-маълумот тизимига ҳудуд бўйича тегишли маълумотларни киритиш ва улардан фойдаланиш учун масъул шахс тайинланади.

31. Спортчининг спорт паспортидаги янгиланган маълумотларини ягона ахборот-маълумот тизимига киритиш ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларидан, шу жумладан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда маълумот узатиш воситалари (алоқа каналлари, Интернет тармоғи) орқали амалга оширилади.

32. Спорт паспортига киритилган маълумотларни ягона ахборот-маълумот тизимига киритиб бориш даврийлиги уч ойдан ошмаслиги керак.

## 6-боб. Якуний қоида

33. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбе-

кистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

***Мудофаа вазири*** ***А. АЗИЗОВ***

*2017 йил 24 октябрь*

***Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси*** ***Р. НИЯЗОВ***

*2017 йил 24 октябрь*

Спорт паспорти тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Китобча шаклдаги спорт паспортининг
## ШАКЛИ

(муқовасининг ташқи тарафи)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY
TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI

**SPORT PASPORTI**

(муқовасининг ички тарафи)

**ESLATMA**

Sport pasportidan asosan quyidagi hollarda foydalaniladi:

sportchining bir jismoniy tarbiya-sport tashkilotidan boshqasiga o`tishida;

sportchini sport musobaqalarida ishtirok etish uchun ro`yxatga olishda;

sportchining tibbiy tekshiruvdan o`tishida;

sportchi tomonidan sport unvonlari va sport razryadlarini berish uchun zarur bo`lgan normalar hamda talablar bajarilishida;

qonunchilikda belgilangan boshqa hollarda.

Sport pasportida tegishli ma`lumotlar sportchi mansub bo`lgan tegishli jismoniy tarbiya-sport tashkiloti tomonidan kiritib (yangilab) boriladi.

Ushbu sport pasporti raqamlangan 16 ta betdan iborat

(ички қисми)

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI

SPORT PASPORTI

TARTIB RAQAMI: ____________________

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI

SERTIFIKATSIYALASH VA KOMPYUTERLASHTIRISH MARKAZI

SPORT PASPORTI

(Спортчининг 3 х 4 см ўлчамли фотосурати)

FAMILIYASI ______________________________

ISMI ______________________________

OTASINING ISMI ______________________________

М.О`. TARTIB RAQAMI: __________

BERILGAN SANA «___» ________ 20___ y.

*2*

**UMUMIY MA`LUMOTLAR**

| | |
|---|---|
| Familiyasi | |
| Ismi | |
| Otasining ismi | |
| Tug`ilgan joyi | |
| Tug`ilgan sanasi (kun, oy, yil) | |
| Jinsi | |
| Tanlangan sport turi (turlari) va sport turining tarmoqlari | |
| Sport razryadi | |
| Sport bilan shug`ullanishni boshlagan sana | |
| Sport tashkiloti (jamoa, klub, o`quv muassasasi) | |
| Sportchining ota-onasi haqida ma`lumotlar | |
| Otasi | |
| Onasi | |

*3*

**SPORT UNVONLARI VA SPORT RAZRYADLARI BERILGANLIGI TO`G`RISIDAGI MA`LUMOTLAR**

| T/r | Sport unvonlari va sport razryadlari | Beriligan sana | Izoh |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

*4*

(ички қисми)

SPORT UNVONLARI VA SPORT RAZRYADLARINI BERISH UCHUN ZARUR BO`LGAN NORMALAR HAMDA TALABLAR BAJARILGANLIGINI TASDIQLOVCHI MA`LUMOTLAR

| T/r | Sport unvonlari va sport razryadlari | Zarur normalar hamda talablar | Ko`rsatilgan natija |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

*5*

SPORT MUSOBAQALARIDA ERISHILGAN NATIJALAR

| T/r | Sport musobaqasining nomi | O`tkazilgan sana | Ko`rsatilgan natija | Egallangan o`rin |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*6*

SPORT MUSOBAQALARIDA ERISHILGAN NATIJALAR

| T/r | Sport musobaqasining nomi | O`tkazilgan sana | Ko`rsatilgan natija | Egallangan o`rin |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*7*

JISMONIY TARBIYA-SPORT TASHKILOTLARIDA A`ZOLIGI

| T/r | Tashkilot (jamoa, klub, o`quv muassasasi) nomi | A`zolik (tahsil olish) muddati |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

*8*

(ички қисми)

**SPORTCHI TIBBIY TEKSHIRUVDAN O`TGANLIGI TO`G`RISIDAGI BELGILAR**

| T/r | Tibbiy tekshiruvdan o`tish sanasi | Amal qilish muddati | Izoh |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

*9*

**SPORTCHI TIBBIY TEKSHIRUVDAN O`TGANLIGI TO`G`RISIDAGI BELGILAR**

| T/r | Tibbiy tekshiruvdan o`tish sanasi | Amal qilish muddati | Izoh |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

*10*

**SPORT TRENERLARI HAQIDA MA`LUMOT**

| T/r | Sport trenerining F.I.O. | Sport turi | Ruxsatnoma raqami | Sana |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*11*

**SPORT TERMA JAMOALARIGA VA SPORT TERMA JAMOALARI ZAXIRALARIGA A`ZOLIK**

| T/r | Terma jamoa (zaxira) | Sana |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

*12*

(ички қисми)

**SPORT TERMA JAMOALARIGA VA SPORT TERMA JAMOALARI ZAXIRALARIGA A`ZOLIK**

| T/r | Terma jamoa (zaxira) | Sana |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

*13*

**SPORTCHINING SPORT DISKVALIFIKATSIYASI TO`G`RISIDAGI MA`LUMOTLAR**

| T/r | Diskvalifikatsiya uchun asos | Sana | Muddat | Izoh |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*14*

**DAVLAT MUKOFOTLARI VA BOSHQA SHAKLDAGI RAG`BATLANTIRISHLAR TO`G`RISIDAGI MA`LUMOTLAR**

| T/r | Mukofot nomi yoki rag`batlan-tirish turi | Asos | Sana | Izoh |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

*15*

**TANLANGAN SPORT TURI YOKI SPORT TURLARINING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI BILAN BOG`LIQ BOSHQA MA`LUMOTLAR**

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

*16*

## Китобча шаклдаги спорт паспортининг ТАВСИФИ

Китобча шаклдаги спорт паспорти 10 x 145 миллиметр ўлчамга эга ташқи ва ички томонли муқовадан ҳамда рақамланган 16 та бетдан иборат. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади.

Спорт паспорти корешоги бўйлаб тикилади.

Спорт паспорти муқоваси ейилишга чидамли, кўк рангли материалдан тайёрланади. Муқованинг ташқи тарафи ўнг томонининг юқори қисмида икки қаторда «O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI» деган сўзлар, ўрта қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли тасвири ҳамда «SPORT PASPORTI» деган сўзлар ёзилган. Ёзувларнинг ранги — тўқ кўк.

Муқованинг ички тарафи кўк рангли бўлиб, чап тарафи ўрта қисми фонида кўк рангли Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг эмблемаси акс эттирилган, ўнг томонида эса Спорт паспорти тўғрисидаги низомдан қуйидаги мазмундаги қисқача эслатма келтирилган:

«ESLATMA

Sport pasportidan asosan quyidagi hollarda foydalaniladi:

sportchining bir jismoniy tarbiya-sport tashkilotidan boshqasiga o`tishida;

sportchini sport musobaqalarida ishtirok etish uchun ro`yxatga olishda;

sportchining tibbiy tekshiruvdan o`tishida;

sportchi tomonidan sport unvonlari va sport razryadlarini berish uchun zarur bo`lgan normalar hamda talablar bajarilishida;

qonunchilikda belgilangan boshqa hollarda.

Sport pasportida tegishli ma`lumotlar sportchi mansub bo`lgan tegishli jismoniy tarbiya-sport tashkiloti tomonidan kiritib (yangilab) boriladi.»

Пастки қисмида «Ushbu sport pasporti raqamlangan 16 ta betdan iborat» деган сўзлар кўрсатилган.

Ёзувлар ранги — тўқ кўк.

Спорт паспортининг ички қисми барча бетлари ранги — оч кўк. Биринчи бети рақамланмайди, қолган бетларнинг пастки қисмида (тегишлича ўнг ва чап тарафда) бетлар рақами қўйилади. Ички қисми бетлари зичлиги 150–180 г/м$^2$ қоғоздан тайёрланади.

Биринчи бетнинг юқори қисмида икки қаторда тўқ кўк рангда «O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI» деган сўзлар ва бетнинг ўртасида «SPORT PASPORTI» деган сўзлар ҳамда пастки қисмида спорт паспортининг Тартиб рақами (учта ҳарф ва олтита рақамдан иборат) акс эттирилган.

Иккинчи бетнинг юқори қисмида икки қаторда тўқ кўк рангда «O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI» деган сўзлар, улардан пастда эса, икки қаторда «SERTIFIKATSIYALASH VA KOMPYUTERLASHTIRISH MARKAZI» деган сўзлар, кейин қизил рангда «SPORT PASPORTI» деган сўзлар ёзилган.

Иккинчи бетда спортчининг фотосурати учун жой назарда тутилган. Тўқ кўк рангда спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми, спорт паспортининг тартиб рақами ва спорт паспорти берилган сана кўрсатилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Сертификациялаш ва компьютерлаштириш марказининг муҳри қўйилади.

Учинчи бетда спортчи тўғрисидаги умумий маълумотлар, тўртинчи бетдан ўн олтинчи бетгача эса, Спорт паспорти тўғрисидаги низомнинг 2-банди бешинчи — ўн тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган маълумотларни қайд қилиш учун жадваллар келтирилади.

Спорт паспорти тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Пластик шаклдаги спорт паспортининг**
**ШАКЛИ**

(олд томони)



(орқа томони)

**ESLATMA**

Sport pasportidan asosan quyidagi hollarda foydalaniladi:

sportchining bir jismoniy tarbiya-sport tashkilotidan boshqasiga o`tishida;

sportchini sport musobaqalarida ishtirok etish uchun ro`yxatga olishda;

sportchining tibbiy tekshiruvdan o`tishida;

sportchi tomonidan sport unvonlari va sport razryadlarini berish uchun zarur bo`lgan normalar hamda talablar bajarilishida;

qonunchilikda belgilangan boshqa hollarda.

Sportchi respublika sport terma jamoasi hamda respublika sport terma jamoasi zaxirasidan chiqarilganda (a`zoligi tugatilganda) plastik shakldagi sport pasportini bevosita yoki u mansub bo`lgan jismoniy tarbiya-sport tashkiloti orqali tegishlicha Qoraqalpog`iston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo`mitasi, viloyatlar va Toshkent shahar jismoniy tarbiya va sport boshqarmalariga topshirilishini ta`minlaydi.

## Пластик шаклдаги спорт паспортининг ТАВСИФИ

Пластикдан тайёрланган спортчининг спорт паспорти ўлчами 54 х 86 миллиметрни ташкил этади. Спорт паспортининг ранги — кўк. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Тартиб рақами учта ҳарф ва олтита рақамдан иборат, қизил рангда.

Спортчининг спорт паспорти олд томонида юқори қисмида, кўк рангда «O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI JISMONIY TARBIYA VA SPORT DAVLAT QO`MITASI» ва «SERTIFIKATSIYALASH VA KOMPYUTERLASHTIRISH MARKAZI» ҳамда қизил рангда «SPORT PASPORTI» деган сўзлар ёзилади.

Спорт паспортининг олд томонида, чап қисмида спортчининг фотосурати учун жой назарда тутилган. Шунингдек, тўқ кўк рангда спортчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва спорт паспортининг амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар ўзбек ва инглиз тилларида кўрсатилади.

Спорт паспортининг олд қисми пастида спортчининг ягона ахборот-маълумот тизимидаги тегишли маълумотларга бўлган ҳаволани ўзида акс эттирувчи штрих-код ва QR-кодлар бўлади.

Спорт паспортининг орқа томонида, Спорт паспорти тўғрисидаги низомдан қуйидаги мазмундаги қисқача эслатма келтирилади:

«ESLATMA

Sport pasportidan asosan quyidagi hollarda foydalaniladi:

sportchining bir jismoniy tarbiya-sport tashkilotidan boshqasiga o`tishida;

sportchini sport musobaqalarida ishtirok etish uchun ro`yxatga olishda;

sportchining tibbiy tekshiruvdan o`tishida;

sportchi tomonidan sport unvonlari va sport razryadlarini berish uchun zarur bo`lgan normalar hamda talablar bajarilishida;

qonunchilikda belgilangan boshqa hollarda.

Sportchi respublika sport terma jamoasi hamda respublika sport terma jamoasi zaxirasidan chiqarilganda (a`zoligi tugatilganda) plastik shakldagi sport pasportini bevosita yoki u mansub bo`lgan jismoniy tarbiya-sport tashkiloti orqali tegishlicha Qoraqalpog`iston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo`mitasi, viloyatlar va Toshkent shahar jismoniy tarbiya va sport boshqarmalariga topshirilishini ta`minlaydi.»

Ёзувлар тўқ кўк рангда бўлади.

Спорт паспорти тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

## СПОРТЧИНИНГ
## МАЪЛУМОТНОМА-АНКЕТАСИ

Спортчининг Ф.И.О. ____________________

Жинси: ____________________

Туғилган сана (кун, ой, йил): ____________________

Яшаш манзили: ____________________

Телефон (уй.): ____________ (мобил): ____________

Таълим муассасаси (агар таълим муассасасида таҳсил олаётган бўлса): ____________________

Спортчининг фотосурати (3 х 4)

Ота-онаси ҳақида маълумот:

Отасининг Ф.И.О.: ____________________

Онасининг Ф.И.О.: ____________________

Тренери ҳақида маълумот: ____________________

Тренерининг Ф.И.О.: ____________________

Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан рухсатномаси рақами: ____________________

Тренернинг иш жойи: ____________________

Спортчининг танлаган спорт тури ёки турлари ва спорт тури тармоқлари: ____________________

Спортчининг спорт разряди (спорт унвони): ____________________

Спорт тури билан шуғулланишни бошлаган санаси: ____________________

Спортчи мансуб бўлган жисмоний тарбия-спорт ташкилотининг номланиши: ____________________

Спортчининг спорт терма жамоасига аъзолиги (республика, миллий, вилоят, шаҳар, туман) ____________________

Спортчининг спорт мусобақаларидаги иштироки ва эришилган ютуқлари ҳақида маълумот:

| Т/р | Спорт мусобақасининг номи (мақоми) | Сана | Кўрсатилган натижа | Эришилган ўрин |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| … | | | | |

Спортчи имзоси: ____________________
Спортчи тренери имзоси: ____________________

Спорт паспорти тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

## СПОРТЧИНИНГ МАЪЛУМОТНОМА-АНКЕТАСИ

Спортчининг Ф.И.О. ____________________
Жинси: ____________________
Туғилган сана (кун, ой, йил): ____________________
Яшаш манзили: ____________________
Телефон (уй.): ______________ (мобил): ______________
Таълим муассасаси (агар таълим муассасасида таҳсил олаётган бўлса): ____________________

Спортчининг фотосурати (3 x 4)

Ота-онаси ҳақида маълумот:
Отасининг Ф.И.О.: ____________________
Онасининг Ф.И.О.: ____________________
Тренери ҳақида маълумот: ____________________
Тренерининг Ф.И.О.: ____________________
Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан рухсатномаси рақами: ____________________
Тренернинг иш жойи: ____________________

Спортчининг танлаган спорт тури ёки турлари ва спорт тури тармоқлари: ____________________

Спортчининг спорт разряди (спорт унвони): ____________________

Спорт тури билан шуғулланишни бошлаган санаси: ____________________

Спортчи мансуб бўлган жисмоний тарбия-спорт ташкилотининг номланиши: ____________________

Спортчининг спорт терма жамоасига аъзолиги (республика, миллий, вилоят, шаҳар, туман) ____________________

Спортчининг спорт мусобақалардаги иштироки ва эришилган ютуқлари ҳақида маълумот:

| **Т/р** | **Спорт мусобақасининг номи (мақоми)** | **Сана** | **Кўрсатилган натижа** | **Эришилган ўрин** |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| … | | | | |

Жисмоний тарбия-спорт ташкилоти тўғрисида маълумотлар
Ташкилотнинг номи: ______________________________
Юридик манзили: ______________________________
Идоравий мансублиги (агар мавжуд бўлса): ______________
Ривожлантирилаётган спорт турлари: ______________
Ташкилот раҳбарининг Ф.И.О. ______________________
Ташкилот раҳбарининг имзоси ______________

М.Ў. (агар муҳр мавжуд бўлса)

Спорт паспорти тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Спорт паспортини олиш учун келиб тушган аризаларни ҳамда берилган спорт паспортларини қайд қилиш ЖУРНАЛИ**

| Т/р | Мурожаат этувчининг Ф.И.О. (жисмоний тарбия-спорт ташкилотининг номи) | Ариза келиб тушган сана | Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Марказга юборилган сана | Марказдан спорт паспорти келиб тушган сана | Спорт паспорти мурожаат этувчига топширилган сана | Спорт паспорти олинганлигини тасдиқловчи мурожаат этувчининг имзоси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* | *7* |
| **1.** | | | | | | | |
| **2.** | | | | | | | |

Изоҳ: журналнинг 7-устунида ариза мурожаат этувчига камчиликлар бўйича тушунтириш берилган ҳолда қайтарилганлиги (почта ёки электрон алоқа воситалари орқали камчиликлар кўрсатилган хат юборилганлиги), Марказ томонидан спорт паспортини бериш рад этилганлиги ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 1160 Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-71) муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 692-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 9 декабрдаги 136-сон буйруғи (рўйхат рақами 2194, 2011 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 55-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-71) муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига мувофиқ фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ** **Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 3 ноябрь,
99-Н-сон

*Келишилган:*

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
Миллий авиакомпанияси
Бош директори* *У. РОЗУҚУЛОВ*

*2017 йил 3 ноябрь*

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1164 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сон қарори (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 ноябрь,
31/1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
11 ноябрдаги 31/1-сонли қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси бўйича амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) мувофиқ тартибга солинади.».

2. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун тўловлар бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўланиши керак, тўловларнинг учинчи шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар) ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.».

3. 34-банд «почта алоқаси ташкилотларига» деган сўзлардан кейин «ва АТ Халқ банки филиалларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 59-бандда:

«а» кичик банднинг еттинчи хатбошисидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини» деган сўзлар «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в$^{1}$» кичик банд «энергия ресурслари» деган сўзлардан кейин «ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 61-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Давлат ижрочилари энергия ресурслари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати бўйича қарздорликни ундиришда инкассо топшириқномаларини бевосита маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкка давлат ижрочисининг қарорини илова қилмаган ҳолда тақдим этиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 1165 «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида *

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2118-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 18 июндаги 191-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруғига (рўйхат рақами 2118, 2010 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 26-27-сон, 219-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 15 ноябрь,
121-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
15 ноябрдаги 121-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидан «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сон «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1999 йил 14 январдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Буйруқнинг иловасида:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ барча даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш, шунингдек дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тартибини белгилайди.»;

б) 38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Рецепт бланкларини сақлаш ва йўқ қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда «Дори-дармон» АК билан келишилган.

***Савдо-саноат палатаси раиси*** ***А. ИКРАМОВ***

*2017 йил 15 ноябрь*

***«Дори-дармон» АК бошқаруви раиси*** ***А. КАМИЛОВ***

*2017 йил 15 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1168 Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 3, КТБ-443-13, 06-17/2-4246, 14-Қ/Қ, 119 ва 58/ҚҚ-сон қарори (рўйхат рақами 2548, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 13-модда) билан тасдиқланган Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
10-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

**Олий суд раиси** **К. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
08/УМ-310-17-сон

**Бош прокурор** **И. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
34-ҚК-сон

**Молия вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
124-сон

**Олий ва ўрта-махсус таълим вазири** **И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
14-2017-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги 10, 08/УМ-310-17, 34-ҚК, 124 ва 14-2017-сон қарорига
ИЛОВА

## Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**қабул қилувчи ташкилот** — талабалар томонидан амалиёт (стажировка) ўталаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, адвокатлик тузилмаси, хўжалик бошқаруви органи, тижорат ташкилоти, нодавлат нотижорат ташкилоти, молия-банк ва бошқа муассасаларнинг юридик хизмати;».

2. 2-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низомнинг ишчи-ўқув режасига тегишли қоидалари, Тошкент давлат юридик университетида ўқув режасига нисбатан қўлланилади.».

3. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Амалиёт (стажировка) узлуксиз ҳамда назарий билимлар билан навбатланиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Амалиётнинг барча турлари ва стажировка ишчи ўқув дастурида назарда тутилган муддатларда ўтказилади.

Агар ОТМ томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, назарий таълим билан навбатланиш йўли орқали ўталадиган амалиёт (стажировка)-га мазкур Низом қоидалари қўлланилади.».

4. 4-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

5. 5-бандда:

биринчи хатбошидан «ҳуқуқий» деган сўз чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. 6-бандда:

учинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. 7-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

8. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

«9. Амалиёт (стажировка) ўташ якунлангач, талаба томонидан амалиёт (стажировка) ўташ тўғрисида ҳисобот тайёрланади ва топширилади.

Амалиёт (стажировка) ўташ тўғрисидаги ҳисоботда бажарилган иш, ўрганилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек олинган билим ва кўникмалар акс эттирилади. Ҳисобот талаба томонидан имзоланади ҳамда қабул қилувчи ташкилотдаги амалиёт раҳбари имзоси билан тасдиқланади.».

9. 10-банддаги «кундалигига» деган сўз «ўташ тўғрисидаги ҳисоботга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «кундалигини тўлдириш» деган сўзлар «ўташ тўғрисида ҳисобот тузиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «дастлабки уч кунида» деган сўзлар «бошида» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 17-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «кундалигини» деган сўз «ўташ тўғрисидаги ҳисоботини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Амалиёт (стажировка) тугаганидан кейин талаба амалиёт (стажировка) бўйича имтиҳонни ўтказиш кунида ОТМдаги амалиёт (стажировка) раҳбарига амалиёт (стажировка) ўташ тўғрисида ҳисобот тақдим этади.».

13. 25-банднинг ўнинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

14. 27-бандда:

еттинчи хатбошидаги «ва амалиёт (стажировка) кундалигининг юритилиши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи хатбошидаги «кундалигини» деган сўз «ўташ тўғрисида ҳисоботни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Амалиёт (стажировка) якунлари бўйича қониқарсиз баҳо олиниши талабани академик қарздор сифатида тегишли ўқув курсида қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Узрли сабабларсиз амалиёт (стажировка)га келмаслик ўқув интизомини бузиш сифатида талабани белгиланган тартибда ОТМ талабалари сафидан четлаштирилишига асос бўлиб хизмат қилади.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 1169 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-1***

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ–442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон (рўйхат рақами 2259, 2011 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Суд-тиббий экспертиза муассасасида экспертизалар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарори, суд ажрими (судья қарори) асосида ўтказилади».

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 19 октябрь,
114-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1170 «Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2470-1***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2013 йил 3 июндаги 27, 18-сон «Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2470, 2013 йил 25 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 341-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** **И. МАДЖИДОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 3 ноябрь,
22-2017-сон

**Давлат тест маркази директори** **М. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 3 ноябрь,
22-ҚҚ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 1171 Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2950*

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2018 йил 15 мартдан эътиборан кучга киради.

**Бош директор** **А. ФАЙЗУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 6 ноябрь,
26-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги
26-сон буйруғига
ИЛОВА

## Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) мувофиқ селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Қонуннинг $37^1$-моддасига мувофиқ патентнинг амал қилишини сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган селекция ютуғи патентининг (бундан буён матнда патент деб юритилади) амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин.

2. Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил ичида, бироқ патентнинг Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Агентликка топширилиши мумкин.

3. Патентнинг амал қилишини тиклашга доир ишларни юритиш мустақил равишда патент эгаси ёки патент вакили томонидан амалга оширилади.

### 2-боб. Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш

4. Патентнинг амал қилишини тиклаш учун патент эгаси ёки унинг вакили мазкур Қоидаларнинг иловасига мувофиқ шаклдаги илтимоснома билан Агентликка мурожаат қилади.

Илтимоснома патент эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан илтимоснома лавозими кўрсатилган ҳолда раҳбар томонидан имзоланади ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

5. Илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ патент эгаси томонидан, шунингдек тегишли йилда патентни ўз кучида сақлаб туриш учун патент божи тўлани-

ши ҳамда бу ҳақда ҳам илтимосномага тегишли ҳужжат илова қилиниши лозим.

Патентнинг амал қилишини тиклаш ва патентни ўз кучида сақлаб туриш учун бож тўланганлик ҳолати битта тўлов ҳужжати билан тасдиқланиши мумкин.

Белгиланган миқдорда патент божлари тўланганлигини тасдиқловчи юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда, илтимосномани кўриб чиқишга доир юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмайди.

6. Зарурат бўлганида илтимосномага вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома, шунингдек ворислик ҳуқуқи ёки меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

7. Илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Агентликка бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

8. Илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар Агентликка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

9. Мазкур Қоидаларнинг 4 — 6-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, патент эгасига ёки унинг вакилига мавжуд бўлмаган ва (ёки) тузатилган ҳужжатларни сўровнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой ичида тақдим этиш зарурлиги тўғрисида сўровнома юборилади. Бунда илтимосномани кўриб чиқишнинг белгиланган муддатининг ўтиши етишмаётган ёки тузатилган ҳужжатларнинг охиргиси келиб тушгунга қадар тўхтатиб турилади.

10. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келганида патентнинг амал қилиши тикланади.

Патентнинг амал қилишини тиклаш тўғрисидаги маълумотлар тегишлича Ўсимлик навлари давлат реестрини ёки Ҳайвон зотлари давлат реестрига киритилади ва Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Патент эгасига ёки унинг вакилига патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисида билдиришнома юборилади.

11. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келмаганида, шунингдек тузатилган ёки етишмаётган ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда Агентлик патент эгасига ёки унинг вакилига илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида рад этиш асослари кўрсатилган билдиришнома юборади.

Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй

______________________________
(Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг номи)

Манзил: ____________________
Телефон: ____________________

## ИЛТИМОСНОМА

Селекция ютуғига ________-рақамли патентнинг амал қилишини тиклаб беришингизни сўрайман.

Патентнинг амал қилиши патентни ўз кучида сақлаб туриш учун патент божи тўланмаганлиги сабабли тугатилган.

Илова қилинаётган ҳужжатлар (кераклиси [x] билан белгилансин)

☐ - патентнинг амал қилишини тиклаш учун бож ҳамда тегишли йилда патентни ўз кучида сақлаб туриш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

☐ - меросга бўлган ҳуқуқни ёки ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

☐ - ишларни юритиш учун ишончнома.

Патент эгаси ____________________________
*(ёки патент вакили)* (лавозими, Ф.И.О., имзо)

Сана: 20___ йил «___» _________ (М.Ў.) *(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1172 Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2951*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Судьялар олий кенгаши раиси** **М. УСМОНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 9 ноябрь,
СОКҚ-374-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 9 ноябрь,
123-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ва Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги
СОКҚ-374, 123-сон қарорига
ИЛОВА

## Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг РЎЙХАТИ

| Т/р | Касалликлар ва нуқсонлар номи |
|---|---|
| 1. | Қўпол ҳаракат бузилишлари билан кечадиган асаб тизими касалликлари: |
| | инсульт ва унинг асоратлари; |
| | оғир бош мия жароҳати ва унинг асоратлари; |
| | турғун ҳаракат нуқсонлар билан кечадиган ўткир энцефалит, миелит, энцефаломиелит, Гийен-Барре-Ландри полирадикулоневритлар; |
| | наслий мияча атаксиялар (Пьер-Мари, Фридрейх касалликлари); |
| | экстрапирамида тузилмасининг зарарланиши билан кечадиган асаб тизими касалликлари (Паркинсон касаллиги, Гентингтон хореяси, гепатоцеребрал дистрофияси); |
| | демиелинувчи касалликлар (тарқоқ склероз, ёнланма амиотрофик склероз, Шильдер лейкоэнцефалити) |
| 2. | Тутқаноқ талвасалар билан кечадиган касалликлар (эпилепсия ва тутқаноқ синдромлари). |
| 3. | Когнитив (ақлий) фаолияти бузилиши билан кечадиган нерв тизимининг дегенератив касалликлари (Альцгеймер, Пик касалликлари ва бошқалар). |
| 4. | Марказий нерв тизими фаолиятининг яққол бузилиши билан кечадиган ҳажмли ҳосилалар. |
| 5. | Шизофрения, шизотипик ва алаҳлашли бузилишлар (шизоферения барча турлари ва бошқалар). |
| 6. | Ўпка ва бошқа аъзолар сил касалликлари фаол даври. |
| 7. | Мохов касаллиги. |
| 8. | Сурункали алкоголизм. |
| 9. | Гиёҳвандлик, токсикомания. |
| 10. | Фаолиятнинг турғун бузилиши билан кечувчи эндокрин тизим касалликлари: |
| | туғма йод танқислиги синдроми; |
| | буқоқсиз туғма гипотериоз; |
| | диффуз буқоқли тиреотоксикоз, III-IV даража офтальмопатия билан кечувчи декомпенсация ҳолатида, оғир шакли; |
| | инсулинга муҳтож бўлган 1 тур қандли диабет касаллиги, оғир шакли, лабил кечиши ва декомпенсация ҳолати; |
| | оғир кечувчи иккиламчи қандли диабет ва кўп сонли суяк синишлари билан кузатиладиган остеопорозга олиб келувчи Иценко-Кушинг касаллиги; |
| | пангипопитуитаризм ва иккиламчи қандли диабетнинг оғир асоратлари билан кечадиган акромегалия касаллиги; |
| | гипофизар нанизм; |
| | фаолиятнинг турғун бузилиши билан кечадиган эндокрин аъзоларининг ўсмалари. |

| Т/р | Касалликлар ва нуқсонлар номи |
|---|---|
| 11. | Гемобластозлар: |
| | сурункали миелолейкоз бластли криз даври; |
| | лимфогрануломатоз (ремиссиядан ташқари) |
| | ўткир оқ қон (ремиссиядан ташқари). |
| 12. | Сурункали юрак етишмовчилиги III босқич. |
| 13. | Юрак ишемик касаллиги: зўриқиш стенокардияси ФС (функционал синф) IV. |
| 14. | Гипертония касаллиги III босқич, тез-тез кризли кечиши. |
| 15. | Юрак касалликлари ритм ва ўтказувчанлик бузилишлари билан: |
| | синус тугуни заифлиги, АВ блокада II-III даража, юрак уриши сонининг 1 минутига 40 тадан пасайиши ёки хушдан кетиш билан кечадиган ҳолатлар; |
| | пароксизмал қоринчалар тахикардияси, қоринчалар экстрасистолияси (Лаун бўйича IV а, б градация); |
| | пароксизмал қоринчалар усти тахикардияси (WPW синдром, бўлмачалар фибрилляцияси, тугунли тахикардия ва бошқалар) номуқум гемодинамика билан — артериал қон босимининг кескин пасайиши, бош мия қон айланишининг бузилиши, ўпка шиши. |
| 16. | Аорта ва артериялар аневризмалари ва қатламланиши. |
| 17. | Жигар циррози портал гипертензия билан. |
| 18. | Сурункали буйрак етишмовчилиги II-III даража. |
| 19. | Мувозанат (вестибуляр) анализатор фаолиятининг бузилиши, шунингдек, Меньер касаллиги оғир шакли. |
| 20. | Асаб тизими ривожланишининг туғма нуқсонлари (сирингомиелия ва сирингобульбия). |
| 21. | Эшитишнинг бир ёки икки томонлама турғун пасайиши (шивирлашда товуш эшитилиши камида 3 метр) электроакустик мосламаларда эшитиш ўзгармаслиги (эшитиш мосламаси билан товушнинг эшитилиши камида 6 метр). |
| 22. | Иккала кўзда кўрликка олиб келган кўз ёки умумий касалликлар. |
| 23. | Иккала қўл ёки иккала оёқнинг йўқлиги. |
| 24. | Нутқнинг йўқлиги. |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1173 Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2536-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/2-сон қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 2536, 2013 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 670-модда) Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 ноябрь,
31/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сон қарорига
ИЛОВА

### Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан резидентлар томонидан чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш;».

2. 2-банддаги «Ваколатли банклар» деган сўзлар «Тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

3. 3-банддаги «ваколатли банклар» деган сўзлар «тижорат банклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 6[1]-банд билан тўлдирилсин:

«6[1]. Қуйидаги операциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

10 000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган суммада чет элда инвестиция фаолиятини амалга ошириш — резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан чет элдаги корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш (ёки улушли иштирок этиш), чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш учун чет элга маблағлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан норезидентларга кредитлар ва пул, товарлар (хизматлар) кўринишидаги қарзлар ҳамда лизинг объектларини бериш;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобварақлардан маблағларни чет элдаги ҳисобварақларга (омонатларга) жойлаштириш ҳамда кўчмас мулкни сотиб олиш учун ўтказиш.».

5. 7-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «ваколатли банкка» ва «ваколатли банк» деган сўзлар тегишлича «тижорат банкига» ва «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 8-банддаги «ваколатли банкларга» деган сўзлар «тижорат банкларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 9-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «ваколатли банк» ва «ваколатли банкни» деган сўзлар тегишлича «тижорат банки» ва «тижорат банкини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ваколатли банк» ва «ваколатли банкнинг» деган сўзлар тегишлича «тижорат банки» ва «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 11-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги «ваколатли банкка» деган сўзлар «тижорат банкига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи бошқа тижорат банкига ўтказилган тақдирда, кейинги валюта операцияларининг ҳисоби резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи ўтказилган тижорат банки томонидан юритилади.

Резидентнинг валюта операциялари бўйича ҳужжатлари тижорат банклари ўртасида тузиладиган қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида ўтказилади.

Далолатномага мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда резидентнинг якунланган валюта операциялари тўғрисидаги ҳамда бошқа тижорат банкларидан олинган маълумотлар илова қилинади.».

11. Низомнинг 1 ва 2-иловаларидаги «ваколатли банкнинг» деган сўзлар «тижорат банкининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 1177 «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-1***

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–446-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ–4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 624-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2837, 2016 йил 8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 45-сон, 526-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 ноябрь,
156-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги
156-сон буйруғига
ИЛОВА

## «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг 1-банди йигирма бешинчи хатбошисидаги «агросаноат мажмуаси Давлат ветеринария бош бошқармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-илова мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. 12-илова мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. 19-илова мазкур ўзгартиришларнинг 3-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

5. 24-илованинг номидаги «Агросаноат мажмуаси Давлат ветеринария бош бошқармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 28-илова мазкур ўзгартиришларнинг 4-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан молиялаштириладиган
бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ,
штатлар ва контингентга доир режанинг
бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик
ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақидаги
буйруққа киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги
79-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Умумтаълим мактаблари ҳамда барча турдаги ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида**

**ҲИСОБОТ**

01 ___________ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи ___________________________________________
Даврийлиги: йиллик, чораклик (кераклиги чизилсин)
Вазирлик (идора) _________________________________________
Бўлим ________ кичик бўлим _______ боб _______
Бюджет тури _____________________

| **Асосий кўрсаткичлар*** | **Тоифалар**** | **Ҳақиқий миқдори** | | **Ўртача йиллик миқдори** | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **йил бошига** | **йил (чорак) охирига** | **йиллик режа** | **бажарилиши** |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Ташкилотлар — жами | | | | | |
| Филиаллар сони | | | | | |
| шу жумладан:<br>бошланғич мактаблар | | | | | |
| умумтаълим мактаблар | | | | | |
| Улардан: | | | | | |
| айрим фанлар чуқур ўргатиладиган мактаблар (синфлар) | | | | | |
| жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар | | | | | |
| мактаб қошидаги интернатлар (мактаб-интернатлар) | | | | | |
| Ахборот-ресурс марказлари | | | | | |
| Синфлар — жами | | | | | |
| шу жумладан:<br>1 — 4-синфлар (комплектлар) | | | | | |
| Улардан: 1-синфлар | | | | | |
| ўтувчи 4-синфлар | | | | | |
| 5 — 9-синфлар | | | | | |

| Асосий кўрсаткичлар* | Тоифалар** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| шу жумладан: 9-синфлардан чиқарув | | | | | |
| 10-11-синфлар | | | | | |
| шу жумладан: 10-синфларнинг қабули | | | | | |
| шу жумладан: 11-синфларни чиқарув | | | | | |
| Ўқувчилар — жами | | | | | |
| шу жумладан: | | | | | |
| 1 — 4-синфларда ўқувчилар | | | | | |
| улардан 1-синфларда | | | | | |
| 4-синфларнинг ўтувчи контингенти | | | | | |
| 5 — 9-синфларда ўқувчилар | | | | | |
| улардан 9-синфлардан чиқарув | | | | | |
| 10-11-синфларда ўқувчилар | | | | | |
| улардан 10-синфларга қабул | | | | | |
| ўқувчиларни 11-синфлардан чиқарув | | | | | |
| Ҳамма турдаги мактаб-интернатларда яшаётган ва яшамаётган, лекин озиқ-овқат олаётган тарбияланувчилар сони | | | | | |
| Улардан интернатларда яшаётган мактаб-интернат тарбияланувчилари сони | | | | | |
| Мактаб қошидаги интернатларда яшаётган ўқувчилар сони | | | | | |
| Санатория типидаги (сил касаллиги) мактаб-интернат тарбияланувчилари-нинг сони | | | | | |
| Ёрдамчи мактабларга қатнашаётган ва бюджет маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат олувчи ўқувчилар сони | | | | | |
| Куни узайтирилган гуруҳлар сони | | | | | |
| Куни узайтирилган гуруҳларга қатна-шаётган ўқувчилар сони | | | | | |
| Улардан бюджет маблағлари ҳисоби-дан овқатланаётган ўқувчилар | | | | | |
| Мактаб-интернатларда алоҳида режимда тарбияга муҳтож бўлган тарбияланувчилар сони (ихтисослаштирилган муассасалар) | | | | | |
| Ҳамма турдаги мактаб-интернатлар-даги тарбияланувчиларнинг овқатла-ниш бола кунлари сони (минг) | | x | x | | |
| Мактаб қошидаги интернатларда яшовчи ўқувчиларнинг овқатланиш бола кунлари сони (минг) | | x | x | | |
| Санатория типидаги (сил касаллиги) мактаб интернат тарбияланувчилари-нинг овқатланиш бола кунлари сони (минг) | | x | x | | |

| Асосий кўрсаткичлар* | Тоифалар** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажарилиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Ёрдамчи мактабларга қатнашаётган ва бюджет маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат олувчи ўқувчиларнинг овқатланиш бола кунлари сони | | x | x | | |
| Куни узайтирилган гуруҳларда бюджет маблағлари ҳисобидан овқатланишга ҳуқуқи бор ўқувчиларнинг овқатланиш бола кунлари сони (минг) | | | | | |
| Алоҳида режимда тарбияга муҳтож бўлган мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг овқатланиш бола кунлари сони (ихтисослаштирилган муассасалар) | | x | x | | |
| Куни узайтирилган гуруҳларда овқатланиш тўловидан (тўла ёки қисман) озод бўлган болаларга бюджетдан овқатланиш харажатлари | | | | | |
| Ёрдамчи мактабларда ва синфларда ўқиётган ўқувчиларнинг бюджетдан овқатланиш харажатлари | | x | x | | |
| Санатория типидаги (сил касаллиги) мактаб интернат тарбияланувчиларининг овқатланиш харажатлари | | | | | |
| Мактаб қошидаги интернатларда ҳамда ҳамма турдаги мактаб-интернатларда овқат олувчи ўқувчиларнинг овқатланиш харажатлари — жами | | x | x | | |
| шу жумладан:<br>бюджет маблағлари ҳисобига | | x | x | | |
| ота-оналар маблағлари ҳисобига | | x | x | | |
| ҳомийлик маблағлари ҳисобига | | | | | |
| ота-оналар тўловидан ҳисобот ойининг охирига қарздорлиги | | | | x | x |
| ота-оналар тўлови бўйича маблағлар қолдиғи | | | | | |
| Мактаб-интернатларда тўловдан озод бўлган тарбияланувчилар сони | | | | | |
| Педагогик ставкалар — жами | | | | | |
| шу жумладан:<br>1 — 4-синфлар бўйича | | | | | |
| 5 — 9-синфлар бўйича | | | | | |
| 10-11-синфлар бўйича | | | | | |
| Умумий ставкалар миқдоридан уйида якка тартибда таълим оладиган имконияти чекланган болаларни ўқитиш учун ставкалар сони | | | | | |
| Таълим муассасаларидаги ўқитувчиларнинг иш ҳақи жамғармаси | | x | x | | |
| Шу жумладан:<br>1 — 4-синфлар бўйича | | x | x | | |

| Асосий кўрсаткичлар* | Тоифалар** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 5 — 9-синфлар бўйича | | х | х | | |
| 10-11-синфлар бўйича | | х | х | | |
| Дафтар текшириш учун харажатлар | | х | х | | |
| Шу жумладан:<br>1 — 4-синфлар бўйича | | х | х | | |
| 5 — 9-синфлар бўйича | | х | х | | |
| 10-11-синфлар бўйича | | х | х | | |
| Узоқликда, чўлликда, сувсизликда ишлаганлиги учун туман коэффициенти | | х | х | | |
| Малака ошириш курсларига кетган ўқитувчиларнинг ўриндошлик учун иш ҳақи | | х | х | | |
| шу жумладан:<br>бошланғич (1 — 4) синфларда | | х | х | | |
| юқори (5 — 11) синфларда | | х | х | | |
| Синф раҳбарлари учун харажатлар | | х | х | | |
| Ўқитувчиларнинг иш ҳақи жамғармаси — жами (дафтар текшириш, синф раҳбарлик ва узоқликда, чўлликда, сувсизликда ишлаганлиги учун туман коэффициентини қўшган ҳолда) | | х | х | | |
| Маъмурий бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар (тарбиячилардан ташқари) штат бирликлари сони | | | | | |
| шу жумладан:<br>бошланғич мактабларда | | | | | |
| умумтаълим мактабларда | | | | | |
| Маъмурий бошқарув, ўқув ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг (тарбиячилардан ташқари) иш ҳақи жамғармаси | | х | х | | |
| шу жумладан: бошланғич мактабларда | | х | х | | |
| умумтаълим мактабларда | | х | х | | |
| Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячиларнинг штат бирликлари | | | | | |
| Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячиларнинг иш ҳақи жамғармаси | | х | х | | |
| Мактаб қошидаги интернатларда тарбиячиларнинг штат бирликлари сони | | | | | |
| Мактаб қошидаги интернатларда тарбиячиларнинг иш ҳақи жамғармаси | | х | х | | |
| Ахборот-ресурс марказларининг штат бирликлари сони | | | | | |
| Ахборот-ресурс марказларининг иш ҳақи жамғармаси | | х | х | | |
| Узоқликда, чўлликда, сувсизликда ишлаганлиги учун ҳамма (ўқитувчилардан ташқари) ходимларнинг туман коэффициенти | | х | х | | |

| Асосий кўрсаткичлар* | Тоифалар** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Маъмурий бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг иш ҳақи жамғар-маси жами | | х | х | | |
| Директор жамғармаси | | х | х | | |
| Моддий рағбатлантириш жамғармаси (Директор жамғармаси бўлмаганда) | | х | х | | |
| Иш ҳақи жамғармаси | | х | х | | |
| Ходимлар сони — жами | | | | | |
| шу жумладан, педагогик ходимлар | | | | | |
| Улардан ўқитувчилар | | | | | |
| шу жумладан, болаларни уйда ўқитган ўқитувчиларнинг сони | | | | | |
| Ташкилотнинг режадаги қуввати | | | | х | х |
| Туман коэффициенти: сумма | | х | х | | |
| олувчилар сони | | | | х | х |
| Бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига электр энергиясини ҳақи-қатда ишлатилиши (минг кВт) | | | | | |
| Жами майдондан ижарага берилган қисми (м. кв) | | | | | |
| Жами ижарадан тушган тушум | | | | | |
| Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (ҳисобланган) суммаси | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |

* Молия органлари бюджет ташкилотларидан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

** Ушбу устун тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _________________

Молия-режа хизмати раҳбари ___________________

Бош ҳисобчи (ҳисобчи) _________________

«___» _______________ 20___ йил

М.Ў.»

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги 79-сон буйруғига
12-ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари бўйича штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида**
**ҲИСОБОТ**

**(бюджет, контракт)***
(кераклиги чизилсин)

01 ___________ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи ___________________________________________
Даврийлиги: йиллик, чораклик (кераклиги чизилсин)
Вазирлик (идора) ___________________________________________
Бўлим ________ кичик бўлим _______ боб _______
Бюджет тури _____________________

| **Асосий кўрсаткичлар**** | **Тоифалар***** | **Ҳақиқий миқдори** | | **Ўртача йиллик миқдори** | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **йил бошига** | **йил (чорак) охирига** | **йиллик режа** | **бажари-лиши** |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Ташкилотлар — жами | | | | | |
| **А. Талабаларни ўқитиш бўйича режанинг бажарилиши** | | | | | |
| **Кундузги ўқитиш — бакалавриат** | | | | | |
| Талабалар — жами | | | | | |
| Қабул | | х | х | | |
| Чиқарув | | х | х | | |
| Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар | | х | х | | |
| Ўқув муддати тугагунча қабул қилинганлар | | х | х | | |
| **Махсус сиртқи ўқитиш — бакалавриат** | | | | | |
| Талабалар — жами | | | | | |
| Қабул | | х | х | | |
| Чиқарув | | х | х | | |
| Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар | | х | х | | |
| **Кундузги ўқитиш — магистратура** | | | | | |
| Талабалар — жами | | | | | |
| Қабул | | х | х | | |
| Чиқарув | | х | х | | |
| Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар | | х | х | | |

| Асосий кўрсаткичлар** | Тоифалар*** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Ўқув муддати тугагунча қабул қилинганлар | | x | x | | |
| **Катта илмий ходимлар-изланувчилар** | | | | | |
| Катта илмий ходимлар-изланувчилар сони | | | | | |
| Қабул | | x | x | | |
| Чиқарув | | x | x | | |
| Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар | | x | x | | |
| **Мустақил изланувчилар** | | | | | |
| Мустақил изланувчилар сони | | | | | |
| Қабул | | x | x | | |
| Чиқарув | | x | x | | |
| Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар | | x | x | | |
| **Ординатура** | | | | | |
| Ординатлар сони | | | | | |
| Қабул | | x | x | | |
| Чиқарув | | x | x | | |
| Ўқув муддати тугагунча чиқиб кетганлар | | x | x | | |
| **Б. Бошқа кўрсаткичлар** | | | | | |
| Профессор-ўқитувчилар таркибининг ставкалари сони | | | | | |
| Ходимлар сони — жами шу жумладан: | | | | | |
| Педагогик ходимлар сони | | | | | |
| шу жумладан: фан доктори (Doctor of Science) | | | | | |
| фан номзоди | | | | | |
| фалсафа доктори (PhD) | | | | | |
| Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар (ходимлар) миқдори | | | | | |
| Педагогик ходимларнинг иш ҳақи жамғармаси | | x | x | | |
| Педагогик ходимларнинг ўртача иш ҳақи | | x | x | | |
| Педагогик иш ҳақининг бошқа турлари | | x | x | | |
| Узоқликда, чўлликда, сувсизликда ишлаганлиги учун туман коэффи-циенти тўлаш харажатлари (педагог иш ҳақига) | | x | x | | |
| Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг штат бирликлари | | | | | |
| Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа | | x | x | | |

| Асосий кўрсаткичлар** | Тоифалар*** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| ходимларнинг иш ҳақи жамғармаси | | | | | |
| Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг ўртача иш ҳақи | | x | x | | |
| Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар иш ҳақининг бошқа турлари | | x | x | | |
| Узоқликда, чўлликда, сувсизликда ишлаганлиги учун туман коэффи-циенти тўлаш харажатлари (маъму-рий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар-нинг иш ҳақига) | | x | x | | |
| Катта илмий ходимлар-изланувчи-ларнинг иш ҳақи жамғармаси | | x | x | | |
| Моддий рағбатлантириш жамғар-маси | | x | x | | |
| Моддий рағбатлантириш жамғармаси фоиз ҳисобида | | x | x | | |
| Иш ҳақи жамғармаси | | x | x | | |
| Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари тўлови | | x | x | | |
| Компенсация тўловлари харажатлари | | x | x | | |
| Компенсация олувчилар сони, шу жумладан: | | | | | |
| шаҳарларда | | | | | |
| қишлоқ жойларда | | | | | |
| Ётоқхоналардаги жойлар | | | | | |
| Ҳақиқатда яшовчилар сони | | | | | |
| Бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига электр энергиясини ҳақи-қатда ишлатилиши (минг кВт) | | | | | |
| Жами майдондан ижарага берилган қисми (м. кв) | | | | | |
| Жами ижарадан тушган тушум | | | | | |
| Хизмат автомашиналари сони | | | | | |
| Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (ҳисобланган) суммаси | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |

* Бюджет маблағлари бўйича алоҳида, контракт маблағлари бўйича алоҳида тўлдирилади.

** Молия органлари бюджет ташкилотларидан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

*** Ушбу устун тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _________________

Молия-режа хизмати раҳбари ___________________

Бош ҳисобчи (ҳисобчи) _________________

«___» _______________ 20___ йил

М.Ў.»

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича
тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг
бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот
шаклларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришларга
3-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги
79-сон буйруғига
19-ИЛОВА

**Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва грант олувчилар бўйича штатларга доир режанинг бажарилиши тўғрисида**
**ҲИСОБОТ**

01 ___________ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи ___________________________________________
Даврийлиги: йиллик, чораклик (кераклиги чизилсин)
Вазирлик (идора) ________________________________________
Бўлим ________ кичик бўлим _______ боб _______
Бюджет тури _____________________

| **Асосий кўрсаткичлар*** | **Тоифалар**** | **Ҳақиқий миқдори** | | **Ўртача йиллик миқдори** | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **йил бошига** | **йил (чорак) охирига** | **йиллик режа** | **бажари-лиши** |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Илмий-техник лойиҳа (грант)лар миқдори | | | | | |
| шу жумладан: фундаментал тадқиқотлар | | | | | |
| амалий тадқиқотлар | | | | | |
| инновацион ишланмалар | | | | | |
| Илмий объектлар сони | | | | | |
| Штат бирликлари сони — жами | | | | | |
| шу жумладан: илмий ходимлар | | | | | |
| маъмурий-бошқарув ходимлар (МБХ) | | | | | |
| илмий ёрдамчи ходимлар | | | | | |
| муҳандис-техник ходимлар | | | | | |

| Асосий кўрсаткичлар* | Тоифалар** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар (КХХ) | | | | | |
| Ходимлар сони — жами | | | | | |
| шу жумладан: илмий ходимлар | | | | | |
| маъмурий-бошқарув ходимлар (МБХ) | | | | | |
| илмий ёрдамчи ходимлар | | | | | |
| муҳандис-техник ходимлар | | | | | |
| кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар (КХХ) | | | | | |
| Илмий даражаси мавжуд ходимлар сони — жами | | | | | |
| шу жумладан: фан доктори (Doctor of Science) | | | | | |
| фан номзоди | | | | | |
| фалсафа доктори (PhD) | | | | | |
| Иш ҳақи жамғармаси | | | | | |
| шу жумладан: илмий ходимлар | | | | | |
| маъмурий-бошқарув ходимлар (МБХ) | | | | | |
| илмий ёрдамчи ходимлар | | | | | |
| муҳандис-техник ходимлар | | | | | |
| кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар (КХХ) | | | | | |
| Туман коэффициенти: сумма | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |
| Бюджет харажатлари — жами | | | | | |
| Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (ҳисобланган) суммаси | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |

* Молия органлари бюджет ташкилотларидан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

** Ушбу устун тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _________________

Молия-режа хизмати раҳбари ___________________

Бош ҳисобчи (ҳисобчи) _________________

«___» _______________ 20___ йил

М.Ў.»

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича
тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг
бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот
шаклларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришларга
4-ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги
79-сон буйруғига
28-ИЛОВА

**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисида**
**ҲИСОБОТ**

01 ___________ 20__ йил ҳолатига

Ташкилот номи _________________________________________
Даврийлиги: йиллик, чораклик (кераклиги чизилсин)
Вазирлик (идора) ________________________________________
Бўлим ________ кичик бўлим _______ боб _______
Бюджет тури ____________________

| **Асосий кўрсаткичлар*** | **Тоифалар**** | **Ҳақиқий миқдори** | | **Ўртача йиллик миқдори** | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **йил бошига** | **йил (чорак) охирига** | **йиллик режа** | **бажари-лиши** |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Маҳалла фуқаролар йиғинлари сони (шаҳар ва туман) | | х | | | |
| Штат бирликлари сони — жами | | | | | |
| шу жумладан: бошқарув ходимлари | | | | | |
| раислар (оқсоқоллар) | | | | | |
| раис ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) | | | | | |
| котиблар | | | | | |
| «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари | | | | | |
| диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар | | | | | |
| ҳарбий ҳисобни юритиш бўйича ходимлар | | | | | |
| мутахассислар | | | | | |
| ёрдамчи ходимлар | | | | | |
| техник ходимлар | | | | | |
| хизмат кўрсатувчи ходимлар | | | | | |
| Иш ҳақи жамғармаси | | | | | |
| шу жумладан: бошқарув ходимлари | | | | | |

| Асосий кўрсаткичлар* | Тоифалар** | Ҳақиқий миқдори | | Ўртача йиллик миқдори | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига | йил (чорак) охирига | йиллик режа | бажари-лиши |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| ёрдамчи ходимлар | | | | | |
| техник ходимлар | | | | | |
| хизмат кўрсатувчи ходимлар | | | | | |
| Коммунал хизматлар бўйича компенсация тўловлари суммалари | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |
| Туман коэффициенти: сумма | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |
| Бюджет харажатлари — жами | | | | | |
| Балансида бино мавжудлари | | | | | |
| Ижара | | | | | |
| Жами оилалар сони | | | | | |
| Таркибида 500 тагача оила бўлган маҳаллалар сони | | | | | |
| Таркибида 500 дан 1000 тагача оила бўлган маҳаллалар сони | | | | | |
| Таркибида 1000 дан 1500 тагача оила бўлган маҳаллалар сони | | | | | |
| Таркибида 1500 дан 2000 тагача оила бўлган маҳаллалар сони | | | | | |
| Таркибида 2000 дан ортиқ оила бўлган маҳаллалар сони | | | | | |
| Бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига электр энергиясини ҳақи-қатда ишлатилиши (минг кВт) | | | | | |
| Жами майдондан ижарага берилган қисми (м. кв) | | | | | |
| Жами ижарачилар сони | | | | | |
| Жами ижарадан тушган тушум | | | | | |
| Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (ҳисобланган) суммаси | | | | | |
| олувчилар сони | | | | | |

* Молия органлари бюджет ташкилотларидан ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа кўрсаткичлар бўйича маълумотларни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

** Ушбу устун тегишли молия органлари томонидан тўлдирилади.

Раҳбар _________________

Молия-режа хизмати раҳбари ___________________

Бош ҳисобчи (ҳисобчи) _________________

«___» _______________ 20___ йил

М.Ў.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1178 «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2328-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПҚ–3199-сон «Заргарлик саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 3 февралдаги 12, 2012-7-сон «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2328, 2012 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 7-сон, 75-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 17 январдаги 4, 2013-2-сон «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2328-1, 2013 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 6-сон, 83-модда).

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

**Молия вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
161-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 20 ноябрь,
2017-63-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 18 ноябрдан 24 ноябргача бўлган маълумотни маълум қилади**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 12-мҳ-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 октябрдаги 222-В-6, 148, 2017-60-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-6.***

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 3 ноябрдаги 99-Н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-71) муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-3.***

4. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 25-сон «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1443-2 (2018 йил 15 мартдан кучга киради).***

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/7-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-2 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/8-сон «Ломбард томонидан ўз фаолиятини ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-1 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/1-сон «Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-5.***

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 15 ноябрдаги 121-сон «Даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихоналар томонидан аҳолига дори воситаларини рецепт асосида бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2118-3.***

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 16 ноябрдаги 153, 125-сон «Дори воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 974-1.***

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 16 ноябрдаги 154, 124-сон «Дори воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни тиббиёт муассасаларига (бепул тиббий хизматлар кўрсатаётганларга) бюджетдан қоплаш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 641-1.***

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги 10, 08/УМ-310-17, 34-ҚК, 124, 14-2017-сон «Юридик таълим муассасалари (ҳарбий, махсус олий таълим муассасаларидан

ташқари) талабалари томонидан таништирув ва малакавий амалиёти, шунингдек стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2548-1.***

12. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 19 октябрдаги 114-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2259-1.***

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2017 йил 3 ноябрдаги 22-2017, 22/ҚҚ-сон «Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2470-1.***

14. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 26-сон «Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2950 (2018 йил 15 мартдан кучга киради).***

15. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 9 ноябрдаги сокқ-374, 123-сон «Одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2951.***

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сон «Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2536-1.***

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/3-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-9.***

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/15-сон «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан касса ишларини амалга ошириш тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 468-3.***

19. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 2017/09-16, 150, 01-02/19-42-сон «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1588-1.***

20. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 17 ноябрдаги 156-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шаклларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-1.***

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 161, 2017-63-сон «Чакана савдо тармоғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик буюмларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2328-2 (2018 йил 1 январдан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Дори воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотишда савдо устамаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 974, 2000 йил 29 сентябрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 22 ноябрдаги 395-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Дори воситалари ва тиббиётда фойдаланиладиган буюмларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни тиббиёт муассасаларига (бепул тиббий хизматлар кўрсатаётганларга) бюджетдан қоплаш тартиби (рўйхат рақами 641, 1999 йил 19 февраль).

***Адлия вазирининг 2017 йил 22 ноябрдаги 396-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2470, 2013 йил 25 июнь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 23 ноябрдаги 399-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан касса ишларини амалга ошириш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 468, 1998 йил 3 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 468-1, 2004 йил 29 март), (рўйхат рақами 468-2, 2010 йил 23 июнь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 23 ноябрдаги 404-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1588, 2006 йил 3 июль).

***Адлия вазирининг 2017 йил 23 ноябрдаги 405-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**